



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

38 (46) 2009 йил 30 сентябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz  
e-mail: milliy@sarkor.uz



**Контрафакт: Тайёрга айёрлар**  
Фонограмма ишлаб чиқарувчилар халқаро Федерациясининг 2007 йилги маълумотларига кўра, йилига дунё миқёсида биргина мусиқий асарларнинг ноқонуний савдосидан топиладиган маблағ қарийб 5 миллиард АҚШ доллари.

→ 6-бет



**Талаба талабага қарши**

Яқинда Германиянинг Бавария шаҳридаги «Carolinum» гимназиясида муҳим воқеа юз берди. Шу мактабнинг 18 ёшли ўқувчиси Георг Рәмер маҳаллий вақт билан соат 9:35 атрофида синфхоналарга кириб, қўлидаги шишада тайёрланган хавфли аралашмани отган.

→ 7-бет



**Қайта яралган театр**

- Санъат умрбоқийлики талаб этади. Унда энг муҳим шарт ўз ўрнини топишга интилиш ва бир-бирини такрорламасликдир, - дейди Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театри бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Омонбоев.

→ 8-бет

## Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар! Қадрли устозлар! Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами - ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Бугун сиз, азизларнинг - кўз нури ва қалб қўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаб, маърифат зиёсини тараббат келаётган фойдои инсонларнинг шаънига самимий тилақларимизни изҳор этишни ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Ҳурматли ватандошлар! Шу ойнинг бошида бутун халқимиз барчамиз учун энг улуг ва энг азиз бўлган миллий байрамимизни - Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини катта завқ, гурур ва ифтихор билан нишонлади.

Бундан 18 йил олдин халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, асрлар давомида орзиқиб кутган эркинлик ва озодлигини қўлга киритиб, ўз олдига ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мустақил демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, юртимизда тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш каби улуг ва эзгу мақсадларни қўйиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олди.

Утган йиллар мобайнида Ватанимиз эришган ютуқ ва марраларни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда юртимизнинг, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, чехраси обод бўлаётганини, иқтисодий-демоқратик янги босқичга кўтарилиб, тез суръатлар билан ривожланиётганини, турмушимиз, ҳаёт тарзимиз юксалиб бораётганини кузатиб, диёримизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи мисолида биз танлаб олган йўлнинг, қандай оғир ва машаққатли бўлмасин, нақадар тўғри эканини кундалик ҳаётида сезиб, унинг натижаларидан баҳраманд бўлиб бормоқда. Шунини таъкидлаш кераки, биз ўз мақсадла-

римизга эришиш учун осон йўлни қидирмадик. Турли хил энгил-елпи маслаҳат ва зугумларга берилмасдан, вазминлик ва қатъият билан эски тизимдан қолган асоратлардан воз кечиб, чуқур ўйланган сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, биз учун бутунлай янги жамиятни бунёд этиш йўлида астойдил, бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилдик.

Авваламбор, ўз кучимиз ва имкониятларимизга суяниб, ер ости ва ер усти бойликларимиз, табиий захираларимизни халқимиз ва келажак авлодимиз манфаатлари йўлида оқилона ишлатдик. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, уларнинг техника ва технологияларини олиб келиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгитдан қуришга, давлат бошқаруви, иқтисод ва молия тизими соҳасида ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янгиликларни ва ўзгаришларни амалга оширишга эришдик.

Муҳтасар айтганда, қонунчилик тизими бўладими, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимининг марказий ва ҳудудий бўғинларини шакллантириш бўладими, юртимизни ҳимоялаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини мустаҳкамлаш масаласида давлатни давлат, жамиятни жамият қиладиган, замонавий тараққиёт учун сув билан ҳаводек зарур бўлган барча сиёсий-ижтимоий тузилмаларни яратдик.

Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда барпо этилган ана шу тузилмаларнинг тўлақонли фаолият юритиши, миллий манфаатларимизга хизмат қилиши учун уларни янгича фикрлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган юксак малакали кадрлар билан таъминлаш, Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиб шаклланиш даврида бизнинг олдимизда турган энг оғир, энг мураккаб, шу билан бирга, энг нозик масала бўлганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

(Давоми 4-бетда)

**ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ**



**Мукаммал қонунлар**

Юрт равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Йиғилишда фракция йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига киритилиши назарда тутилган масалалар муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ**

**Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида**

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиклол гояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Рўзиева Зебо Юсуфовна** - Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Ҳайдарова Мопар Ибодуллоевна** - Шеробод туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Абдурайимова Савриниса Маликовна** - Олмалик шаҳар кончилик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Курбанов Хожанберген Бекбергенович** - Кегейли тумани халқ таълими бўлими методика хонаси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тожибаева Мавлудахон Миржахановна** - Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги Тўрақўрғон академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

(Давоми 2-бетда)

**ЎҚИТАВ НАЗАР**

## Кўппартиявийлик:

**Ғоявий-мафкуравий ёндашувлар жараёни**

Жамиятда демократик жараёнларни амалга оширишда, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда сиёсий партияларнинг муҳим ўрни бор. Сайлов тизимининг янада эркинлашиши ва демократиялашиши сиёсий партияларнинг турли ғоялари ва мафкуралари билан боғлиқ мақсадларининг амалга оширишда амалий-сиёсий демократик муҳит яратди.

**И.ЭРГАШЕВ,**  
Сиёсий фанлар доктори, профессор

Бу сиёсий партияларнинг ундан фойдаланиш ва ҳиссасини кўшишда партиялараро баҳс, амалий тортишувларда ғоя ва

(Давоми 4-бетда)

**ЙИГИЛИШ**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг XI йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларни самарали ташкил этиш мақсадида ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) кенгашлари қошида сайлов штаб-

## Сайлов кампанияси: партия олдида турган муҳим вазифалар

Ижроия кўмита йиғилиши муҳокамасида бўлди

ларини тузиш, ЎзМТДПнинг сайловолди платформаси, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг фаолиятини ўрганиш натижалари, шунингдек ЎзМТДП Марказий Кенгаши V Пленумини ўтказиш ҳамда партия ҳаёти билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама этилди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Аҳтам Турсунов маъруза қилди. Партия етакчиси ўз сўзида Марказий сайлов кампаниясидаги муҳим вазифаларни муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туман (шаҳар) кенгашлари қошида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси,

шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси бошланганлиги эълол қилинганлиги, шу муносабат билан сайловларда партиянинг иштироки, сайлов жараёнига тайёргарликнинг бориши, уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги партия Марказий Кенгаши Ижроия кўмитасининг календарь иш режаси ҳақида тўхталиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев иккинчи масала юзасидан маъруза қилар экан, ўз сўзида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туман (шаҳар) кенгашлари қошида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси,

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларни самарали ўтказиш мақсадида сайлов штаблари ва сайлов штаби тарғибот гуруҳини тузиш кераклиги, бу штабларнинг самарали иш олиб боришлари учун сайлов штаблари ва сайлов штаби тарғибот гуруҳининг таркиби етарли даражадаги ҳуқуқий ва партиявий тайёргарликка эга бўлган, тажрибали ва обрў-эътиборли фаоллардан иборат бўлиши ва узуқсиз фаолият олиб боришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлиги ҳақида фикр билдирди.

(Давоми 3-бетда)

# МУКОФОТ МУБОРАК

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

#### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”

**Адилов Замир Нарзуллаевич** – Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи директори, Бухоро вилояти

**Зарипов Аскар Гафуревич** – Қибрай туманидаги энергетика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Зокиров Абдуназар Абдураимович** – Гулистон давлат университети қошидаги академик лицейининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Музафарова Султанпаша Анваровна** – Шайхонтохур туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Саманов Қилич** – Чироқчи туманидаги транспорт касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, Қашқадарё вилояти

**Турсунбаев Абдулхай Убайдуллаевич** – Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Хамдамов Худойберди Тураевич** – Қасби туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Турсунова Зунура Насировна** – Оқдарё туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Шамсидинов Абдуқодир Умарович** – Мархамат туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлоднинг ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

#### “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

**Мадаминова Матлубахон** – Асака автомобильлик касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Пулатов Хакназар Бейлиевич** – Қарши шаҳридаги 18-сонли кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг руҳшунос ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Яъқубов Қосим Мансурович** – Бекобод туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг воёга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги ибратли фаолияти, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

#### “Меҳнат шухрати” ордени билан

**Абдуллаев Абдурахим Абиркулович** – Бахмал туманидаги маиший хизмат касб-хунар коллежининг бош устаси, Жиззах вилояти

**Акрамова Саида Мурадullaевна** – Сарийосиё туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Балтаева Марям Аллабергеновна** – Урганч туманидаги саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Бобохонова Гулчехра Пазлидиновна** – Улуғнор туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаб директори, Андижон вилояти

**Қурбанбаева Зейнеп Хожабоевна** – Тахитавно энергетика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кушенова Касиера Карбаевна** – Томди туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Мирзалиева Махпиратхон Турғунбаевна** – Норин туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Намозов Ширин Муродович** – Иштихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Рахмонов Мирзаакбар Қупайсинович** – Қўқон нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, Фарғона вилояти

ча директор ўринбосари, Фарғона вилояти

**Содиқова Шоира Хамроевна** – Қорювбузор туманидаги саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Тешабоева Матлюба** – Янгиер қурилиш ва коммунал хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Ёш авлоднинг маънавий етуқ ва жисмонан соғлом қилиб камол топтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

#### II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

**Бобожонов Боғибек Шарипович** – Хонқа туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш спорт тури бўйича мураббийи, Хоразм вилояти

**Зарипова Рисолат Бобохонова** – Кармана туманидаги 4-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Навоий вилояти

**Ибдуллаева Мунаввар Абдухатовна** – Бөбөвт туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Юртимизда тинчлик ва тотовлик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликни мустақамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни халқимизнинг муносиб фарзандлари, ҳар томонлама етуқ инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги намунали хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

#### “Дўстлик” ордени билан

**Абдуллаев Иномбой Балтаевич** – Урганч қурилиш касб-хунар коллежининг ўқув бўлими бошлиғи, Хоразм вилояти

**Абдуллаева Зияда Нураддиновна** – Қўнғирот туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исламова Раҳила Сайитовна** – Косон туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қашқадарё вилояти

**Маматқулов Набижон Юсупович** – Учқўприк туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг енгил атлетика спорт тури бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

**Нодирова Раъно Қиличевна** – Узув туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Сейданова Мирзагул Жуматовна** – Нукус мелiorация ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Соатова Бувалма Умиразковна** – Мирзаобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Трофимова Тамара Георгиевна** – Чилонзор туманидаги 101-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ураков Бахриддин Аннаевич** – Навоий қончилиқ касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

**Цой Наталья** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Самарқанд вилояти

**Қамбаров Хилола Акмаловна** – Бағдод туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ёш авлоднинг Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

#### “Шухрат” медали билан

**Абдуллаева Дилбар Ахмадовна** – Жиззах шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Абидов Аваксон Наебович** – Тошлоқ туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг дзюдо ва миллий кураш спорт турлари бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

**Авазова Шахло Маматовна** – Қизилқум туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Адашова Улпатхон Шахабона** – Оқолтин туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Акбарова Машура Камбаралиевна** – Наманган маданият коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Аллазарова Насиба Куранбаевна** – Шовот туманидаги қурилиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Алтибаева Халима Доврановна** – Жарқўрғон туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Аноров Орифхон Умаралиевич** – Данғара туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Аскарлова Дилбар Исмаиловна** – Яқкасарой туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Атамуратов Елмурат Турсимуратович** – Чимбой туманидаги Кенес қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ачилова Жамила Махмудовна** – Чиноз туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

**Ашуров Икромжон Мейлиевич** – Термиз озиқ-овқат саноати касб-хунар коллежининг материалшунослик фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Байманова Тамара Аллияровна** – Қораўзақ туманидаги 31-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бердиева Роҳила Нажимовна** – Навоий шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Бобоева Нигора Амиркуловна** – Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Бобохонова Феруза Хотамбаевна** – Хазорасп туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Боймуродов Санжар Сафаралиевич** – Шахрисабз туманидаги спорт-педагогика коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Буриева Айбахар Каюмовна** – Пастдарғом туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Вахтадова Олима Бакоевна** – Когон туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг тарих фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Жалилова Лолахон Тулкиновна** – Учқўрғон туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Закирова Барчиной Ташпулатовна** – Асака педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Имомова Фотима Садриддиновна** – Бухоро туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Иргашева Адолат Тимуровна** – Пахтачи туманидаги қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Исмаилов Жуманазар Қиличевич** – Қўшқўприк туманидаги қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Исомиддинов Исахон Паттахонович** – Балихчи туманидаги педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Касимов Шухрат Турсунович** – Навоий техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

**Касимова Дильмуратхон Рахматджановна** – Тошкент авиасозлик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Кузиев Қосим Бутаёрович** – Самарқанд шаҳридаги Богшамол саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Самарқанд вилояти

**Мавланов Толлибой Рўзибаевич** – Лайриқ туманидаги 54-махсус ёрдамчи мактаб-интернатининг тарбиячиси, Самарқанд вилояти

**Маннапова Санобархон** – Жалолқудуқ туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Мелиев Жўра Соатович** – Музработ туманидаги тадбиркорлик ва бизнес коллежининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Мирзаева Назира Убайдуллаевна** – Охангарон туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Мирзаева Назира Усмановна** – Фарғона политехника институти қошидаги академик лицейининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Мирзақарова Анорхон Эргашевна** – Чортоқ туманидаги 3-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Наманган вилояти

**Муродова Динара Муминовна** – Ғузур туманидаги 77-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг география фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мусаев Абдурашит Ибрахимович** – Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежининг эшак эшиқ спорт тури бўйича бош мураббийи, Тошкент вилояти

**Мукимов Ботир Ашурович** – Олтинқўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Нишанов Мамаджон Сабаралиевич** – Уйчи туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Сабуров Шукурбай Хайтаевич** – Беруний туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Саидова Санам Содиқовна** – Когон саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Сайидова Насиба Саидуллоевна** – Қизилтепа туманидаги енгил саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Суяндиқов Равшан Худайназарович** – Зарбдор туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш спорт тури бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

**Тайлаков Абдуқаюм Мамадиярович** – Фаллавор туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Жиззах вилояти

**Темишова Феруза Темировна** – Бўстонлиқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Тлеумуратов Тамара Хожамовна** – Қонлиқўл туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тожибоев Абдуғани Абдумаликович** – Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейининг ижтимоий фанлар ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Турсунов Жобирбек Тўрамуродович** – Бухоро туманидаги қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, Бухоро вилояти

**Усмоғидёрова Мухаббат Умаралиевна** – Бўка туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Усманова Хатича Салиджановна** – Фарғона туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Хайтабоев Уқтам Намазбоевич** – Дўстлик туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Хашимова Хуррият Исамовна** – Утепа туманидаги 217-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Тошкент шаҳри

**Холйитгов Буранбой Алимович** – Жиззах туманидаги Утепа қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Холматова Саламат Абидовна** – Тошкент транспорт касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, Тошкент шаҳри

**Хўндаёрова Мухаббат Эшназаровна** – Шахрисабз қурилиш касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Чўнов Срождиддин Ильясевич** – Тўрақўрғон туманидаги агроиктисодиёт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Шакирова Гулбахор Алимовна** – Каттақўрғон педагогика коллежининг немис тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Ширинов Қобул** – Қасби туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Шнайдер Ольга Михайловна** – Марғилон шаҳридаги 10-болалар мусика ва санъат мактаби директори, Фарғона вилояти

**Ҳолиқов Ойбек Муяссарович** – Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 28 сентябрь

## САНА Устозларга эҳтиром

Устоз ва мураббийларни иззат-икром қилиш, уларни ҳамisha эъзозлаш азал-азалдан миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Зеро, буюк келажак бунёдкорлари — ёш-авлод камолотида уларнинг ўрни ва роли нечоғлик катта эканлиги барчамизга маълум. Президентимиз томонидан ушбу шарафли ва масъулиятли касб эгаларининг жамиятдаги муҳим ўрни инобатга олинб, уларнинг фаолиятига катта эътибор қаратилаётгани, қўшимча имкониятлар, моддий ва маънавий қўмак берилаётгани ҳам бежиз эмас. Ёшларимизнинг ватанпарвар бўлиб улғайиши, миллатимиз шон-шавкатини янада юксалтириш учун бу каби ғамхўрликларнинг аҳамияти катта.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ихроия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида «Устозлар ва мураббийлар кунига» бағишлаб «Устозлар ва мураббийларга эҳтиром» — миллий тараққиётга хурмат-эътибордир» мавзусидаги байрам тадбири ўтказилди. Мамлакатимизда турли соҳаларда эришилаётган муваффақиятлар, миллий ўзликни аниқлаш, ёшлар онгига ватанпарварлик туйғусини шакллантириш йўлида ўзларининг билим ва малакаларини аяматган шарафли касб вакиллари меҳнатини муносиб эътироф этиш, шу билан бирга, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тадбирининг бош мақсадига айланди, десак муболага бўлмайди. Тадбирда ЎзМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва партия Марказий Кенгаши аъзолари, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Уни «Ёшлик» Талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев кириш сўзи билан очиб, устоз ва мураббийларимизнинг машаққатли, шу қатори шарафли меҳнатини эътироф этаркан, жумладан, шундай деди:

«Мамлакатимиз равнақи, келажак ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топган ёш авлодга боғлиқ. Уларнинг унинг ўсиши, тажриба орттиришида устозларимиз томонидан берилаётган билим ва малаканинг аҳамияти беқиёсдир. Ана шундай шарафли йўлда тиним билмай изланиб, турли соҳаларда меҳнати ва ақлу заковати туфайли хурмат топаётган мутахассисларни тарбиялаётган мураббийлар талайгина. Бугунги кунда, илм-фаннинг жадал суръатларда ривожланиб бориши баробарида таълим тизимимизнинг ҳам замон талабларига мос равишда йўлга қўйилиши талаб қилинади. Ўқитувчи ва мураббийларимизга ана шундай масъулиятли вазифани бажаришда куч-ғайрат ёр бўлишини тайламан.

# ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

## ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

### Мукаммал қонунлар

Юрт равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, ҳар қандай қонун миллат ва жамият тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунлар ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши миллатнинг келажақдаги соғломлигини таъминлайди.

«Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида депутатлар ушбу ҳужжат мамлакат аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштириш ва мустақамлашга қаратилганлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасида «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунни Фуқаролик кодекси нормаларига мувофиқлаштириш кўзда тутилган.

Маълумки, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи врачлар томонидан доволан ва диагностика стандартларининг бузилиш ҳолатлари, ўзининг мажбуриятларини профессионал даражада бажармаслик фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдиришда. Соҳада қонунийлик ҳолатини таҳлил этиш натижалари хусусий амалиёт билан шуғулланувчи врачлар фаолияти фуқароларнинг соғлигини сақлаш, аҳолига кафолатланган ҳамда малакали тиббий хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмаслигини кўрсатди.

Мазкур қонунни ишлаб чиқилган асосий мақсад «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга жисмоний шахсларнинг хусусий амалиёт билан шуғулланишини истисно этувчи ўзгариш киритишдир.

Шунингдек, йиғилишда фракция аъзолари томонидан қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига биринчи ўқишда киритилиши назарда тутилган «Аҳоли ўртаси-



да микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан фракция аъзоси Жамила Ниязова маъруза қилди.

Микронутриентлар тақчиллиги 80 фоиз ҳолатда барча касалликларнинг сабабчиси ҳисобланиб, жуда катта ижтимоий-иқтисодий зарар етказди. Микронутриент тақчиллиги – бу оналар ва болалар орасида касаллик ва ўлимнинг кўпайиши, уларнинг интеллектуал ва жисмоний носоғломликка, катта ёшдаги кишиларнинг эса иш қобилияти пасайишига олиб келади, деди нотиқ ўз сўзида.

Кейинги 70 йил давомида микронутриентлар тақчиллигига қарши кураш бўйича катта хорижий тажриба тўпланди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФ мутахассислари болалар ва оналар орасида анемиянинг тарқалиши 30 фоиздан ортиқни ташкил этадиган мамлакатларда миллий даражада микронутриент етишмаслигининг олдини олиш бўйича шошилинч чора-тадбирлар кўриш зарурлигини таъкидладилар.

Мамлакатимизда аҳоли орасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, оналар ва болалар орасида озиқ-овқат маҳсулотларини бойитиш самарадор-

лигини баҳолаш бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказилганда, унинг натижалари бир йил мобайнида бойитилган ҳамир маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиш анемия даражасини 5-7 фоизга пасайтириш имконини берганлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уни фортификация қилиш бўйича миллий дастур» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 11 августдаги 3-сон Қарори қабул қилиниб, ушбу дастурни ҳаётга татбиқ этиш 2005-2009 йилларга мўлжалланди. Мазкур дастур ижроси муддати жорий йилда тугайди ва дастур доирасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг барқарорлигини таъминлаш зарурлиги юзага келади. Қонун лойиҳаси республика аҳолиси орасида микронутриент етишмаслиги профилактикасини олиб бориш самардорлигини оширишга, озиқ-овқат маҳсулотлари бойитилишини таъминлашга, шунингдек аҳоли орасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси бўйича давлат тизимини ташкил этишга йўналтирилган.

Шунингдек, йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Маълумки, жорий йилда Президи-

дентимизнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тижорат банкларининг ўрни ва аҳамиятини янада оширишга қаратилган қатор Фармон ҳамда Қарорлари қабул қилинди. Бунинг натижасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 30 та тижорат банки кредит портфелида бир йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган активлар салмоғи 70 фоизни ташкил этди. Бу ўз навбатида ҳўжалик субъектлари, аввало, реал иқтисодиёт тармоқларида жаҳон миқёсида кенгайиб бораётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарши «иммунитетга» эга бўлиши ва уларнинг мустақамлашишига катта замин яратди.

Тижорат банкларининг кредит бериш салоҳиятини янада ривожлантириш борасида мамлакатимизда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан «Хамкорбанк» акционерлик тижорат банки томонидан узоқ муддатли 8 млрд. сўмлик корпоратив облигациялар ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилиб, ушбу облигацияларни белгиланган тартибда жойлаштирилиши эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси биринчи қисмида банклар, қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Ушбу норманинг мавжудлиги банкларнинг акциядорлик жамиятига ўзга ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилишига монандлик қилмайди. Қайд этилган Президент Қарорининг 2-илоҳасига асосан эса ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар қатор банклар томонидан корпоратив облигациялар чиқарилиши тавсия этилган.

Таъкидланганидек, корпоратив облигациялар чиқарилиши ва жойлаштирилиши орқали узоқ муддатли активларни банк тизими ёрдамида, иқтисодиётга жалб этишни таъминлаш эса «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилишини таъминлаш эҳди.

Фракция йиғилишида муҳокама қилинган қонун лойиҳалари юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. **Қамолитдин ХОТАМОВ,** «Milliy tiklanish» мухбири

## ЙИГИЛИШИ

### Сайлов кампанияси: партия олдида турган муҳим вазифалар

Ижроия қўмита йиғилиши муҳокамасида бўлди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, нотиқ сайловларда иштирок этиш масалалари юзасидан ҳудудий партия кенгашларининг пленумларини ўтказиш, сайловда партиянинг иштирокини таъминловчи имзо варақаларини ўз вақтида тўплаш вазифаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда кун тартибидagi учинчи масала юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Жалолитдин Сафоев сўзга чиқди. Маърузада асосий эътибор ЎзМТДПнинг сайловдаги платформаси лойиҳаси ва ундаги ўзига хос жиҳатларга қаратилди. ЎзМТДПнинг сайловдаги платформаси партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилишига катта аҳамият бериш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибидa белгиланган ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг фаолиятини ўрганиш натижалари тўғрисидаги масала юзасидан маъруза қилган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари И.Арипов таҳлил натижаларига ат-

рофлича тўхталди. У ўз сўзида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг 2009 йил 10 июлдаги IV-Пленуми қарори, шунингдек, Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси раисининг 2009 йил 20 июлдаги 65-сонли буйруғига асосан Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси девони ходимлари томонидан ҳудудий партия ташкилотларида сайловларга тайёргарликнинг бориши, ҳужжатларнинг юритилиши, моддий-техник ҳолати ўрганилиб, уларга амалий ёрдам берилганлигини ҳамда учраётган баъзи камчиликларни бартараф этиш чораларининг кўрилаётганлигини таъкидлади.

Кун тартибидagi бешинчи масала юзасидан сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев партия Марказий Кенгашининг V-Пленумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг V-Пленумини Тошкент шаҳрида ўтказиш таклифини билдирди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. **ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

## ТАРҒИБОТ

### Тинчлик — буюк неъмат уни асраш эса муқаддас бурчдир



**Махбира АБДАЛОВА,** «Milliy tiklanish» мухбири

Ватаниннинг ҳар бир қарич ери муқаддасдир. Унинг дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир. Яқинда ЎзМТДП Косонсой туман кенгаши томонидан «Огоҳлик-давр талаби» мавзусида тумандаги 22-умумтаълим мактабидa ўтказилган давра суҳбатидa ана шу муҳим мавзу борасида сўз борди. Унда туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, туман Миллий хавфсизлик хизмати Косонсой шаҳар бўлими, туман боғжона хизмати, Маънавият тарғибот маркази вилоят ва туман бўлими вакиллари, «Қамолот» ЕИХ туман кенгаши ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Тадбир кун тартибидан чегара ҳудудларида барқарорликни сақлаш, наркотрафик, моддий-товар бойликларининг ноқонуний айланishiга йўл қўймаслик, одам савдосига қарши курашиш ҳамда аҳолининг, хусусан ёшларнинг турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолшининг олдини олиш масалалари ўрин олди.

Уни туман хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Қосимова кириш сўзи билан очди ва тадбирдан кўзланган мақсадга кенг тўхталди.

Айтиш керакки, тадбир мавзуси ўз долзарблиги ва муҳимлиги билан аҳамиятлидир. Йиғилишда сўзга чиққан маърузачилар томонидан юртимиз тинчлиги ва барқарорлигига раҳна солуви ҳар қандай хавфининг олдини олишга барча бирдек масъулиги таъкидланди.

— Бугунги кунда моддий товар бойликларининг ноқонуний айланishi

ҳолатлари туманимизда ҳам учраб турибди. Худудимизнинг чегарада жойлашганлигини инобатга олсак, бу тинчлик ва осийшталликни сақлашдек елкамиздаги масъулиятни янада оширади, дейди туман боғжона хизмати бошлиғи У.Баходиров.

— Қўрилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, боғжона хизмати ходимлари томонидан чегарадан ноқонуний моддий товар бойликларини олиб ўтишга уринаётган бир неча шахслар қўлга олинди, уларга нисбатан чоралар қўрилди. Айтиш керакки, бугунги тадбир орқали аҳолига, хусусан ёшларга бу ҳақида батафсил маълумотлар берилиши уларни огоҳ ва ҳушёр бўлишга қақиради.

Тадбирда 22-мактаб директори Мархабо Дадабоева ҳам сўзга чиқиб, партия туман кенгаши томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар келажақда ўзининг амалий натижасини беришини таъкидлаб, жумладан шундай деди:

— Фарзандларимиз қалбига ватанпарварлик туйғусини сингдириш, уларни юртга фидойи инсонлар этиб тарбиялаш зимманимиздаги энг катта вазифадир. Ёшларга таълим-тарбия бериш давомида бу тушунчаларни ўқитиб борамиз. Аммо, бугунги глобаллашув жараёнида улар онги ва қалбига, тарбияси ва маънавиятига салбий таъсир этувчи турли оқим ва ёт ғоялар ҳам йўқ эмас. Мутасадди ташкилотларни кенг жалб этган ҳолда ҳаётий мисоллар асосида тушунтириш-тарғибот ишларининг йўлга қўйилаётганлиги бу каби ноҳус ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Давра суҳбати ўзаро баҳс-мунозаралар, фикрлар алмашинуви асосида кечди.

## ТАДРИК

### Сиёсий билим ва кўникмаларимизни оширдик

дейди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши фаоллари

Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган концепцияга мувофиқ ФЖҲИ Андижон вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ва ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўқув-семинарлар мунтазам равишда ўтказилди. Яқинда Избоскан туманида «Сиёсий партиялар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида» ва «Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида ОАВларнинг роли» мавзуларида интеллектуал усулда ўтказилган семинарда ФЖҲИ вилоят МАТМ илмий ходимлари Қ.Одилов ва С.Шукуров модераторлик қилдилар.

**Қамолот АБДУВАЛИЕВА,** Дилноза ХАЙИТОВА

Тадбирда иштирокчиларга «Давлат бошқарувини янгилан ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ҳамда «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунлари юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий тизимнинг изчиллик билан босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилгани ҳақида баҳс-мунозара олиб борилди. Иштирокчилар тўғрilarга бўлиниб, «Сиёсий партиялар ҳақида тасаввур элементларини шакллантириш», «Сиёсий партияларни омма орасида тез танитувчи омиллар», «Сиёсий партия-

ни сайловга тайёргарлик жараёнидаги асосий фаолиятлари», «Сиёсий партиялар - сайлов жараёнида мавзулари бўйича тақдимот ўтказдилар.

Иштирокчилар семинар давомида «Оммавий ахборот воситаларининг функциялари», «Оммавий ахборот воситаларининг электротарта таъсир этиш даражаси», «Сайловларга тайёргарлик жараёнини ёритиш таъминоти», «ОАВлар орқали электротарта партия имиджини яратиш» мавзулари бўйича ҳам мустақил иш олиб бордилар.

Ўқув-семинарлардан кўзланган асосий мақсад - сайлов тизимига оид қонунчилик юзасидан тушунақ бериш, партия фаолиятини янада ривожлантириш, иш юритишнинг сифат жиҳатдан ошириш, сиёсий партиялар, уларнинг бир-биридан фарқи ва ўхшаш томонларини таҳлил қилиш, партия фаолиятида ёшлар билан ишлашнинг энг самарали усулларида фойдаланиш, партия тарғиботини амалга оширишда унумли, янгича технологияларни амалиётга татбиқ этишдан

иборат бўлди. Ўқув-семинар ниятида иштирокчилар фикри билан қизикдик:

**А.Мадаминов, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:**

— Семинарларда сиёсий партияларнинг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш жараёнидаги фаолияти ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлдик. Партия вилоят кенгаши аъзоларининг сиёсий билимларини оширишга қаратилганлиги боис ҳам семинарда асосан партия фаолиятига оид саволлар тақдим этилди. Билдирилган фикрларнинг афзаллиги ва камчиликлари чуқур муҳокама қилинди. Партия аъзоларини тарғиб қилишда бирдамлик катта аҳамиятга эга. Мазкур тадбирлар айни шу жиҳатини янада мустақамлаш борасида фикр алмашшига имконият яратди.

**Б.Зияев, ЎзМТДП Андижон шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:**

— Партия фаолиятида самарали иш юритиш борасидаги кўпгина янги фикр ва ғояларини мутахассислар томонидан берилган билим ва кўникмалар асосида туғилди десам янглишмайман. Энг катта ютуқ, менимча, мана шу бўлса керак. Ҳар бир киши ўз устидa доимий иш олиб бормаса, кўзланган мақсадига ета олмайди. Семинарлар ўз устимизда ишлаш учун туртки ҳам бўлди. Негаки ҳар сафар семинар якунида бир қанча топшириқлар берилди. Буларни бажариш жараёнида билимларимиз ва тажрибамиз ошди.

**Қ.Уроқов, партия Избоскан туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:**

— Сайлов тўғрисидаги қонун ҳуж-

жатлари такомиллаштирилиши муносабати билан сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, хусусан сиёсий партиянинг ваколатли вакили институти жорий этилишининг ўзиёқ сайлов тизимини янада такомиллаштириб, унинг очик, ошқора ва адолатли ўтишини таъминлайди. Ўқув-семинарларда ЎзМТДП Избоскан туман кенгаши аъзолари фаол қатнашишди. Партия сафидa билимли кадрлар кўпайиши тарафдориман. Машғулотлар фаолиятимизни таҳлил қилишга ўргатди. Хато ва камчиликларимизни тўғри англаб, унинг ечимини топишга интиляимиз. Партиямиз нуфузи амалий ишларнинг самарасига боғлиқ деб ўйлайман.

**М.Хамралиева, ЎзМТДП Олтинкўл туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:**

— ЎзМТДП туман кенгаши аъзолари ҳам ўқув-семинарларнинг фаол қатнашчилари бўлди. Мунтазам равишда олиб борилган ўқувларда «Сайловлар — демократиянинг муҳим воситаси», «Сайловлар жараёнида аёллар фаолигини оширишнинг асосий йўллари ва усуллари» каби мавзуларнинг чуқур ўрганилди. Ҳар бир партия сайловларда муваффақият қозонишни истайди. Бунга эришиш учун, аввало, партия нуфузини жамоатчилик ўртасида ошириш керак. Шу ўринда бунинг учун қандай ишлар қилиниши лозим, деган савол туғилиши табиий. Энг аввало, партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг нафақат давоимийлигига, балки таъсирчанлигига ва самардорлигига эътибор қаратиш даркор. Шу йўл билан биз партия тарғиботини кўнгилдагидек амалга оширишимиз ва сайловларда ўзини истагандек натижаларга эришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, сайловлар — сиёсий партия учун синов даври ҳисобланади ва уни қай даражада ташкил этиш сиёсий партиянинг сайловдаги Ҳаракат дастурига, бу дастурнинг эса халқнинг эътиҳаб ва интилишлари, манфаат ва мақсадларига қай даражада мос тушишига боғлиқ. Қўрилган натижаларга эришишда семинарлардан ортирилган бой тажриба, билим ва кўникма ўз самарасини бериши шубҳасиз.

## ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз азизларнинг – минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежларимизда, олий ўқув юрталаримизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва домлаларнинг зиммасига тушган ва сизлар бу вазифани бундан боришгизни бағишлаб, катта масъулият билан адо этиб келаётганингизнинг аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан барчамиз тобора чуқур англаб етмоқдамиз.

Биз истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан оқиб авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтариб, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилганимиз ва ҳозирги вақтда уларни яқини етказиб, бу борада ҳеч нарса билан ўлчаб, қўйлаб бўлмайдиган мислсиз ишларни амалга оширганамиз, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тарихида албатта сақланиб қолди.

Бу ишларнинг миқёси ва кўлами, даражаси ва моҳиятини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи бир рақамларни олиб келишни ўринли деб биламан.

Биргина Мактаб таълимини ривожлантириш дастури доирасида сўнгги тўрт йил мобайнида 8 минг 500 та мактабда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янада аниқроқ айтишда бўлса, юртимизда 351 та мактаб биноси янгитдан барпо этилди, 2 минг 470 та мактаб биноси ва уларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси капитал реконструкция қилинди, 3 минг 607 та мактаб капитал, 2 минг 72 та мактаб эса жорий таъмирдан чиқарилди.

Айни пайтда мактабларимизни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш масаласида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни физика, химия, биология фанлари бўйича лаборатория хоналарининг сони 2004 йилга нисбатан уч баробардан зиёд,

спорт залларининг сони эса 1,5 баробардан ортиқ кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ниҳоятда улкан, тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу Дастурнинг ижроси бўйича қариб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган қисқа давр мобайнида биз бу соҳада қандайдир катта қадам қўйганимиз яққол аён бўлади.

Ана шундай ишларимиз қаторида ўн икки йиллик узлуksиз таълим тизимини жорий этиб, вояга етган болаларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларга касб-хунар ўргатиш мақсадида биз учун мутлақо янги бўлган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизимини ташкил қилганимиз мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига алоҳида ёрдам саҳифани ташкил этади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан юртимизда 1997 йилдан бошлаб ҳозирга қадар 2 триллион 368 миллиард 730 миллион сўм маблағ сарфлаб, 1364 та касб-хунар коллежи, 137 та академик лицей бунёд этганимиз барча узоқ ва яқин кўшниларимизнинг, жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва ҳавасини ўзига тортаётгани албатта бежиз эмас. Замонавий юксак талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган ана шундай таълим масканларини битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги, бошқарув, ижтимоий соҳалар ва бошқа жабҳаларда меҳнат қилаётган, эртанги кунга катта ишонч билан қараб яшаётган 1 миллион 446 минг нафар ёшларимиз бугунги ҳаётимизда юз бераётган бекиёс ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда соҳада ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қабул қилган қарорларимиз аввало педагогларнинг профессионал малакасини, уларнинг изланиш ва ташаббускорлик фазилатларини юксалтиришга, ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Мана шундай байрам кун-

ларида биз мустақиллик йилларида ҳар қандай оғир синов ва қийинчиликларга қарамасдан, бошлаган ислохотларимизни изчил давом эттириш, юртимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига эришиш йўлида қилган ишларимизга холисона баҳо берадиган эканамиз, бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан.

Биз амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислохотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган, уларга улкан таъсир ўтказадиган ўта муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, шу заминда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси, ижтимоий фаоллигининг юксалиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

Бундан жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашнинг асосий шартини ва гарови бўлмиш бу масалани ўз навбатида таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб ечиб бўлмаганини чуқур англаган ҳолда, биз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу вазифани адо этиш учун бор куч-ғайратимиз, имконият ва салоҳиятимизни сафарбар этмоқда, биз ва келажакда ҳам бу масала доимий эътиборимиз марказида туриши шарт.

Бу хулосанинг яна бир тасдиғини бугун, дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда барқарор ўсиш суратларини сақлаб қолишга эришаётганимиз негизиде айнан таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ишларимиз мустақам пойдевор бўлиб турганини кўриш, англаш қийин эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим соҳасининг оғир, айни пайтда шарафли юқини ўз елкасида кўтариб келаётган, менинг энг яқин маслакдош ва кўмакчиларим бўлган сиз, азиз муаллимларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Сизларни кутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сичат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## НУҚТАИ НАЗАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аммо, “кўппартиявийлик” дегани “партиялар сонининг икки ва ундан ортиқ бўлиши” дегани эмас. Бу унинг микдорий жиҳати холос. Ёки “кўппартиявийлик” турли хил партия институтларининг муаммоларни “бир хилда кўриш” ёки “номлари бошқа-бошқа, аммо гоёлари бир хил, мақсадлари муштарак бўлган нодавлат институт” дегани ҳам эмас. Кўппартиявийлик деганда, жамиятдаги турли хил қатлам ва гуруҳларга таянадиган, уларнинг мақсад ва манфаатларини гоё ва мафқуралар хилма-хиллиги орқали ифодалайдиган, шунга давват этиб, хайрихоҳ ва иштирокчиларига эга бўлган сиёсий кучлар назарда тутилди.

Сиёсий партияларнинг бир-биридан фарқ қилиб туришини амалда таъмин-

хоши-истаги йўқ “айрим шахс”, “гуруҳ” ёки “сиёсий кучларга” тегишлидир. Айтмоқчимизки, турли-хил сиёсий партиялар ўртасида ўтиб бўлмайдиган “девор” бор деб тасаввур этиш нотўғри. Энди, сиёсий партиялардаги “Ўзбекистон Республикаси” номига эътиборни қаратадиган бўлсак, сиёсий партиялар кўп бўлиши мумкин, лекин номида “Ўзбекистон Республикаси”ни олган. У партиялар фаолиятида умумий, ягона давлат ёки мамлакатга тегишли. Демак, сиёсий партияларнинг ҳар бири шу мамлакатда амал қиладиган қонунлар асосида ўзининг фаолиятини олиб бориши мавжуд ҳуқуқий асосларга ҳам тўғри келади. Энди, муаммога иккинчи томондан ёндашганда, сиёсий партиянинг номлари муайян аниқ гоё ва мафқура билан боғлиқлигини англаш қийин эмас. Улар: “халқ демократияси гоёси”, “адолат”, “социал демократия гоёси”, “либерал демократия гоёси”, “миллий тикланиш гоёси”дир. Ўз-

имкониятдан фойдаланишда масъулият, сезгирлик ҳолатида партия позициясининг аниқ ифода этиш услуби, йўли етишмаётганлиги сезилиб турибди. Бу партия матбуоти саҳифаларини таҳлил этганда ҳам аниқ кўзга ташланади. Республикада амалга оширилаётган ислохотларга, сиёсий жараёнларда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга ҳар бир партия ўз қарашини, муносабатини билдирса, уларнинг партиянинг ўзига хос хусусиятлари яққол намоён бўлади. Шунга қараб партиянинг хайрихоҳлари, уни қўллаб-қувватлайдиган қатлами, электорати шакллана боради. Бу охири-оқибатда “ҳамма партиялар бир хил” деган жуда содда ёки юзак баҳо беришларга ўзининг жавобини беради. Албатта, бу дегани, баҳсларда, тортишувларда партиялараро мулоқот маданиятига асосланмаслик, бир-бирини ҳурмат қилмаслик керак дегани эмас. Аксинча, бу жуда катта масъулиятли ишдир. Бу сиёсий партиянинг ҳар

## Кўппартиявийлик: гоёвий-мафқуравий ёндашувлар жараёни

лайдиган кўпгина омиллар, мезонлар мавжуд. Улар орасида гоё ва мафқуравий жиҳатдан хилма-хилликка эга бўлиш алоҳида аҳамиятга эга.

Демак, сиёсий партияларга қўйиладиган умумий ва ўзига хос алоҳида талаблар мавжуд:

Биринчидан, жамиятда улар ўзини сиёсий куч сифатида намоён этиш, иккинчидан, жамиятдаги муайян куч, қатламга таянган ҳолда, уларнинг ва умуммиллий манфаатларини ифода этиши, учинчидан, демократик тамойиллар асосида сиёсий ҳокимият учун

ўздан аён бўладики, сиёсий партиялар, ана шу аниқ ифодаланган “гоё” билан муайян ижтимоий қатлам ёки гуруҳга таяниб, ўзининг олдида қўйган ва мамлакат олдидаги сиёсий мақсадларини амалга ошириб боради. Мавжуд сиёсий партияларнинг гоёлари ва мафқурасида фарқ йўқ деган гап, фикрга қўшилмайман. Буни уларнинг аниқ гоёсида, улар таянадиган ижтимоий гуруҳ ёки қатлам орқали турли-хил манфаатлардаги фарқда кўриш мумкин. Лекин бу гоёлар сиёсий партиялар фаолиятида етарли даражада аниқ,

бир аъзоси, фаоллари, етакчиси ҳамда партиядан сайланган депутатлардан ҳам компетентлик, сиёсий билим ва тажрибани, баҳс ва тортишув маданиятини талаб этади. Ва аксинча, партиялар, унинг фракциялари ҳам баҳсини тўғри қабул қилиши, уни “ўзига қаратилган танқид” деб билмаслик, шу билан бирга ҳис-ҳаяжон ва ички амбицияга берилмасдан, оғир вазиридан билан “фикрга фикр”, “гоёга гоё” йўли орқали амалий, асосли жавоб бера олиши, муносабатини билдириши керак.

Сиёсий партиялар ўртасидаги “баҳс”, “тортишув” кўпроқ партиядаги гоёвий-мафқуравий қарашлар ва ранг-баранглик ифодасидир. Бу ижтимоий ҳаётда “фикрлар ва мафқуралар, сиёсий институтлар хилма-хиллиги”нинг намоён бўлишидир. Шундай бўлса, демократик ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотларнинг инсон манфаати билан боғлиқ моҳияти юзага тўлиқ чиқмасдан қолади.

Сиёсий партиялар фаолиятида турли гоё ва мафқуравий намоён бўлиши ҳар бир партия номи билан боғлиқ ва ўзлари учун дастак қилиб олган гоёвий мақсадларидан келиб чиқиб, баҳо бера олишдаги уларнинг тайёргарлик ҳолатидир. Масалан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси қабул қилган йўналиётган қонунлар, амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг натижасини ана шу миллий тикланиш гоёсини жараёнга қанчалик мос келиши, унга ёрдам бериши демократиянинг умумэтироф этилган тамойилларига, унинг миллий хусусиятларига миллий-маданий мерос ва қадриятлар нуктаи-назаридан келиб чиқиб баҳо бериб, ўзининг позицияси билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий партиялар аста-секин жамият ҳаётининг муҳим сиёсий институтга айланиб бормоқда. Уларни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий гуруҳ, қатламнинг турли хил манфаатларини амалга оширишда ҳамда бир мувозанатга келтиришда муҳим демократик институт эканлиги эътироф этилмоқда. Иккинчидан, сиёсий партиялар турли хил гоё ва мафқуравларга эга. Аммо уни реал

*“Демократия” халқ ҳокимияти сифатида унга эришишда сиёсий партиялар ўзига хос институт ролини бажаради. Уни амалга оширишда у ёки бу қатламга таянган ҳолда, шу мақсадни амалга ошириш учун кураш олиб боради. Ўзини қўллаб-қувватлайдиган хайрихоҳларига, электоратига эга бўлади. Бу сиёсий партияларнинг ҳар бирига хос бўлган умумий стратегик мақсаддир.*

кураш олиб бориши, тўртинчидан, ўз дастур ва низомига эга бўлиши, унда унинг сиёсий мақсад ва вазифалари, фаолият йўналиши аниқ белгиланган бўлиши, бешинчидан, сиёсий партияларнинг ҳар бири ўз гоёсига ва мафқурасига эга бўлиб, уни амалга оширишда ўзига хослик мавжуд бўлиши ҳамда миллий гоёга асосланшидир.

Бугунги сиёсий воқелигимизда бу ҳолат қандай кўриниши? Сиёсий партия фаолиятида гоёлар ва мафқуралар хилма-хиллиги амалда қандай намоён бўлмоқда? Албатта қарашлар ҳам, унга муносабат ҳам бир хил эмаслиги табиий бўлиши керак. Бу сиёсий партияларнинг аввало, номлари ва турли номидаги нашрларида ҳам аниқ намоён бўлади дейиш мумкин. Чунки, сиёсий партиялар ўзларига аниқ номни олганларида, айни пайтнинг ўзида муайян гоё ва мафқура асосида қуриладиган сиёсий мақсадларни ҳам ифода этадилар.

Келинг, аввало, ҳар бир сиёсий партиянинг номланишига эътиборни қаратиб таҳлил этишга ҳаракат қилайлик: Мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси”, “Ўзбекистон Республикаси “Адолат” социал-демократик партияси”, “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Республикаси Либерал демократик партияси” ёки “Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси” деб номланган турли партиялар фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд сиёсий партияларнинг номларидаги “Халқ демократияси”, “Адолат”, “Социал-демократия”, “Либерал-демократия”, “Миллий тикланиш” ва “Демократия” тусунчалари ўзига хос гоёвий, мафқуравий маъно-мазмунга эга ва айни пайтда бир-биридан фарқ қилади.

Сиёсий партиялар номидаги “демократия” тусунчаларининг универсал тусунча сифатида ҳар бирида ифода этилиши аввало, уларнинг демократия ва демократик гоё ва мақсадларини эътироф этишини англайди. “Демократия” халқ ҳокимияти сифатида унга эришишда сиёсий партиялар ўзига хос институт ролини бажаради. Уни амалга оширишда у ёки бу қатламга таянган ҳолда, шу мақсадни амалга ошириш учун кураш олиб боради. Ўзини қўллаб-қувватлайдиган хайрихоҳларига, электоратига эга бўлади. Бу сиёсий партияларнинг ҳар бирига хос бўлган умумий стратегик мақсаддир. Шунингдек, сиёсий партияларнинг мақсадларидаги муштарак нукталардан бири ҳамдир. “Сиёсий партияларнинг ҳаммаси бир хил”, “фарқ йўқ” деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Айни пайтда бу фикр жўн, содда ёки масалага шунчаки “нигилистик” қарайдиган, сиёсий воқеликдаги демократик ўзгаришларни фарқламайдиган ёки унга

рўйиност кўринмаётганлиги айни ҳақиқат.

Шундай бўлса муаммо нимада? Нима учун сиёсий партиялар ўртасида партиялараро тортишув замон талаблари даражасида эмас? Бунинг учун партияларга нима етишмаяпти?, деган табиий савол туғилади. Айрим партиялар 17-18 йиллик тарихий тажрибага эга бўлса, қолганлари камида 5-10 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Улар ўртасида муқобил фикр ва тортишувнинг бўлиши осонгина, стихияли кечадиган жараён эмас. Бу тортишувлар ҳам ўзига хос гоёвий мафқуравий асосга эга бўлиши керак. Бошқача айтганда “тортишиш”, “баҳслашиш” учун ҳам ҳар бир партия ўзининг муқобил сиёсий фикрига, қарашига, позициясига эга бўлиши муҳим. Булар жамоатчилик билан алоқаларда, гоёвий-маънавий, мафқуравий тадбирларда, партиянинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ фаолиятида, партиялараро ўзаро мулоқот ҳамда тегишли ижтимоий-сиёсий институтлар

*Сиёсий партиялар ўртасидаги “баҳс”, “тортишув” кўпроқ партиядаги гоёвий- мафқуравий қарашлар ва ранг-баранглик ифодасидир. Бу ижтимоий ҳаётда “фикрлар ва мафқуралар, сиёсий институтлар хилма-хиллиги”нинг амалда намоён бўлишидир. Шундай бўлса, демократик ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотларнинг инсон манфаати билан боғлиқ моҳияти юзага тўлиқ чиқмасдан қолади.*

билан муносабатиде намоён бўлади. Бошқача айтганда, ҳар бир партия қабул қилинаётган ёки қўриб чиқилаётган масалага, қонунчилик билан боғлиқ лойиҳаларни киритишда ва муҳокама этишда, ҳамда партия фракциясининг қонунчилик фаолиятида аниқ, амалий кўринишга эга бўлиши стратегик аҳамиятга эга.

Ҳар бир партия демократик тамойилларга асосланган ҳолда, ўзининг дастур ва гоёсидан келиб чиқиб, муносабатини билдириши ёки билдира олиш сиёсий маданиятига эга бўлиши муҳим. Бу мамлакатда демократик фуқаролик жамияти қуриш талабларига, ҳамда дунёда умумэтироф этилган демократик тамойилларга тўла мос келади. Ўзбекистонда ўтказилаётган демократик ўзгаришларда, сиёсий партияларнинг роли ошиб бораётганлигини амалий жиҳатдан кўрсатишга ёрдам беради, ўзига хос демократик сиёсий муҳит яратди.

Бугунги сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишда, жамият ҳаётини демократлаштиришда сиёсий партиялар учун етарли ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин, бу

ҳаётда амалий жиҳатдан намоён этишда сиёсий-гоёвий тажрибанинг шаклланиши ва қарор топиши аста-секин ва изчил содир бўлмоқда. Учунчидан, сиёсий партиялар фаолияти орқали турли гоё ва мафқуравларни амалга ошириш партиялардан ўта масъулият ва демократик онг ва сиёсий маданиятни талаб этадиган мураккаб жараён дур. Тўртинчидан, сиёсий партияларнинг ўзларига берилган ҳуқуқий имконият ва ваколатдан тўла фойдаланишлари зарур. Партия фаоллари, фракцияларининг чиқишларида гоёвий-мафқуравий хилма-хиллик, позиция аниқ сезилиб туриши керак. Бешинчидан, партиялар ўртасидаги гоёвий-мафқуравий тортишувлар амалий характерга эга бўлиши зарур. Бу турли хил қарашлар, ёндашувларнинг гоё ва мафқурадаги ранг-баранглик орқали акс этиши ҳеч қачон миллий гоё ва манфаатларимизга зид бўлмаслиги демократик фуқаролик жамиятини қуриш мақсадларига тўла мос келади. Бу соҳада Ўзбекистон ўзига хос ноёб тажрибаси орқали дунёдаги демократияни янада бойитмоқда.

## ЭЪТИРОФ

*Қўшига таом узатиш, бемор ҳолидан хабар олиш, мусофирни иззат-иқром этиш... Буларнинг барчасини ўзга элдан, миллатдан топиб кўрингчи. Меҳнат-каши, қалби қайноқ халқимизгина ушбу қадриятларига бир умр содиқ қолиб яшаб келмоқда. Ўзбек меҳмондўст, оилапарвар, саҳovatпеша... Қон-қонимизга сингиб кетган бу туйғуларсиз биз ўзимизни таний олмаймиз. Бу туйғунчалар бошимиздаги дўтти сингари олисдан бўлса ҳам ким эканлигимизни англашиб туради.*

## Меҳр улашиб

Шерзод ҚУРБОНОВ,  
“Milliy tiklanish” муҳбири

- Саҳovat уйимиз 20 ўринли бўлиб, 1994 йилдан буён фаолият юритиб келади,- дейди Қамаш туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Саодат Ҳамидова. - Бу ерда 16 нафар якка-ёлғиз қариялар истиқомат қилинади. Бундан ташқари, 20369 нафар нафақахўр, 140 нафар якка-ёлғиз, кам таъминланган оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатилиб келинмоқда. Уларнинг иссиқ-совуғи, саломатликларини назорат қилиб бориш учун 23 нафар ходимлар ва туман Тиббиёт бирлашмаси мутахассислари бириктирилган. Юрт-бошимизнинг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган “2007-2010 йилларда якка-ёлғиз кекса пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарорига биноан ҳомийлар ёрдамида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда...

яшаш Қашқадарё вилоят  
Қамаши туман ижтимоий  
таъминот бўлимининг асосий  
шиорига айланмоқда

Яқинда Саҳovat уйини ободонлаштириш мақсадида “Шўртангазим” мажмуаси ҳомийлигида 19 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, узоқ масофадан ичмиллик суви қувури тортиб келинди, иситиш тизими ўрнатилди. Яратилаётган шарт-шароитлар эса бу ерда яшовчи нуронийларни ҳам қувонтирди, десак муболага бўлмайди. Улар билан суҳбатлашганимизда бунга яна бир қарар амин бўлди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўтган йили ижтимоий таъминот бўлими қошида “Дилфуза” ўқув маркази очилиб, унда ногирон қизларга турли хунарлар ўргатиши баробарида, касаначиликни ривожлантиришга ҳам эътибор берилмоқда. Ўттиздан ортиқ қизлар тикувчилик сирларини ўрганиб, диплом ва сертификатлар соҳибаси бўлаётгани қувонарли ҳол, албатта. Оқориди “меҳр” деб аталмиш буюк туйғуга урғу берганимиз бежиз эмас. Зеро, келажакда биздан фақат меҳр қолур, муҳаббат қолур...

# МАЪНАВИЯТ

## ТЎҒРИ СЎЗ

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини, унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

## Нураб бораётган "қалъа кўча"

Абдувоҳид НУРИДДИНОВ, НамДУ фалсафа ва маънавият асослари кафедраси ўқитувчиси, ЎзМТДП аъзоси, Сайёра ҲАЙИТБОЙ кизи, "Milliy tiklanish" мухбири



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз ҳаётини ўрганиш ва улар қолдирган бой маданий

меросни тиклаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк аллома ва азиз авлиёлариимизнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онги-шуурига синдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Қарийб 2 ярим минг йиллик кўҳна тарихга эга бўлган қадимий ва навқирон Косонсой шаҳри узоқ ўтмишда халқ ҳўжалиги ривожланган, илм-фан, маданият, миллий ҳўнармандчилиги гуллаб яшнаган шаҳарлар сирасига киради.

Қадимий Кушон-Косон шаҳри эрамиздан олдинги II аср ўрталарида пайдо бўлиб, Фарғона водийсида ҳўкмронлик қилган Даванлар империяси, буюк Кушонийлар сулоласи, турк хоқонлиги, араб ноиблари, сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар даврида пойтахт-шаҳар, ҳарбий сийёсий марказ ҳамда илм-фан, ҳўнармандчилик, савдо-тижорат ишлари тараққий этган иқтисодий марказ мақомига эга бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Бу ҳақда қадимий хитой ёзма манбалари, жумладан, сайёх ва олимлар Чжан Цзянь, Сюан Цзань, араб тарихшунослари Яъқубий, Истахрий, ал - Мақдисий, ибн Хурдодбех, шўх ва шоир Заҳириддин

Муҳаммад Бобур асарларида, шунингдек 16 асрда яшаган тарихшунос олим Муҳаммад ибн Вали Косоний, кейинчалик россиялик таниқли тарихшунос ва шарқшунос олимлар асарларида қимматли маълумотлар мавжуд.

Бу заминни ҳеч иккиланмасдан табаррук масканлар қаторига қўйиш мумкин, негаки Косонсой Мавлоно Алоуддин Абу Бахр ибн Масъуд Косоний, Шамсиддин Муҳаммад Косоний, Заҳириддин Ашраф ибн Нақиб ал Косоний, Байғу Малик Косоний, Муҳаммад шариф узлат Косоний, Файзий Косоний, Маҳмуд ибн Вали Косоний каби ўнлаб олиму фузалолар, шоиру уломлар бешиги бўлганлиги бизга тарихдан яхши маълум. Улар орасида шўбҳасиз Маҳдуми Аъзам ҳазратлари алоҳида мавқега эга.

Косонсой марказида Маҳдуми Аъзам ёдгорлик мажмуасининг қад ростлагани биз юқорида таъкидлаган фикримизнинг амалий исботидир.

Кушонийлар ҳўкмронлиги даврида шаҳар мудофасини мустаҳкамлаш мақсадида Косон шаҳрининг шимолий қисмидаги тепалик устида Муғ истеҳком қалъаси қурилган. Ушбу қалъа харобалари шу кўнғача сақланиб қолган. Қадимий Косоннинг шаҳар марказидаги қалъасидан уч-шимол, жануб ва шарқ томонга дарвозалари бўлиб, шимолий дарвоза Муғ қалъасига олиб борадиган йўл бошида қурилган. Ушбу йўлнинг умумий узунлиги 2 км. бўлиб, ҳозиргача қалъа орасида "Қалъа кўчаси" ёки "Қалъа кўча" номи билан юритилади. Табиийки, кўчанинги икки томонидаги деворлар бузилиб кетган, лекин йўл ўзининг асл йўналишини шу кўнғача ўзгартирмаган.

Бу ерда 1948 йили қазимиша ишларини олиб борган мутахассис олим А.М.Бернштам Муғ истеҳком қалъасида шўх арки, аскархона, соқчилик миноралари, оташхона ибодатхонаси, озик-овқат, қуроласлаҳа омборлари ва бошқа иншоотлар бўлганлигини тасдиқлайди.

Муғ қалъаси деворларининг қолдиқлари орадан 2 ярим минг йилга яқин вақт ўтганига қарамастан ҳамон қадим Косон шаҳри узра қад ростлаб турибди. Бироқ девор қолдиқлари тажовузкор вақт, ноқулай об-ҳаво шароити, қор-ёғмир тасири остида йилдан-йилга нураб, емирилиб бормоқда. Агар аҳвол шу кетишда давом этaversа яқин йиллар ичида Муғ истеҳком қалъаси девори қолдиқларидан ном-нишон қолмаслиги мумкин.

Бугунги кўнда кўпчиликни ташвишга солаётган маъзур муаммони зудлик билан бартараф этиш, тарихдан гувоҳлик берувчи бебаҳо ёдгорликни таъмирлаш масаласига кечиктириб бўлмайдиган вазифа деб қараш ва бу ҳақда ҳамма бирдай жон кўйдириши зарур. Бу ҳақда соҳа мутахассислари ва мутахассислар барча зарур чора-тадбирларни қўллаш ва масала ижобий ечим топади деб умид қиламиз.

## МУТОЛАА

# Муштарак жараён

уч эл адабиёти воситасида асослаб берилган

Маматкул ЖўРАЕВ, Филология фанлари доктори, профессор, Илья ДИЛЬМАНОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Профессор Каримбой Қўраббоевнинг яқинда нашр этилган "Адабий алоқалар" асари уч қардош эл, қорақалпоқ, туркман ва ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалаларига бағишланган йирик тадқиқотлардан биридир. Атоқли адабиётшунос, танқидчи, академик Матёқуб Қўшжоновнинг "Уч халқ хизматида" номли мақоласи ушбу қилинган сўзбошида олим шоғирдининг изла-нувчанлиги ва салоҳиятини алоҳида эътироф этади.

Асар олти бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бирида ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ адабий жараёнининг муҳим масалалари, мўтмоз адабиётнинг буюк намойёндлари тўғрисида сўз юритилади. Дастлаб, Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Махтумқули, Абай, Чўлпон сингари туркий халқлар, қолаверса жаҳон адабиётида ўчмас из қолдирган шоир ва давлат арбобларининг ижоди таҳлил этилса, иккинчи қисмида Андалиб, Сайёдий, Ажиниёз, Фурқат, Мулланафас лирикасининг қиёсий таҳлиллари орқали адабий таъсир ва алоқалар миллий адабиёт тараққийотининг асоси эканлигини исботлайди. Жумладан, Фурқатнинг "Сайдинг қўябер Сайёд..." мусаддасини ёзишда Андалибнинг "Лайли ва Махжун" достонидаги "Сайдинг қўябер Сайёд..." мухаммасидан илҳомланганлиги, шунингдек, XIX аср туркман мўтмоз адабиётининг атоқли шоири Мулланафас "Сўзра ва Тоҳир" достонини яратишда Навоий ва Сайёдий ижодига мурожаат қилгани, уларнинг асарларидаги сюжет ва шерьий шакллarga эргашган ҳолда ўзига хослик кашф этила олганига эътибор қаратади. Бундан ташқари, Махтумқули ва Иброҳим Юсупов шерьятининг қиёсий таҳлили мисолида адабий таъсирнинг турли қўринишлари, қорақалпоқ лирикасининг ўзига хос жилолари талқин қилинган.

Ўзбек романчилиги асосчиси А.Қодирий ва биринчи туркман романнависи Хидир Деряев-

ларнинг "Ўтган кўнлар" ва "Қисмат" асарлари қиёсий таҳлили орқали туркман адибининг ҳаёт ҳақиқатидан бадий ҳақиқат яратишда Қодирий тажрибасига суянгани, унинг услубига хос баъзи хусусиятлардан фойдалангани, воқеаларни сирли тасвирлаш, кескин драматизм яратиш, инсон ва муҳаббат талқини каби масалаларда "Ўтган кўнлар" романи тажрибасидан сабоқ олгани мисоллар билан изоҳланган.

Олим асарларни таққослашда асосий диққат-эътиборини адабий таъсир даражасини аниқлашга эмас, балки ҳар бир ижодкорнинг ушбу доирадан чиқиб, ижоднинг янги йўлидан юришга, тақрорланмас асарлар яратишга муваффақ бўлганига урғу беради. Муаллиф адабий таъсир бу шунчаки "ёрдамчи кўч", у ижодкор ёки унинг асари тақдирини ҳал қила олмастлигини таъкидлайди.

Китобнинг навбатдаги фаслларида мақолалар туркуми ўрин олган. Жумладан, Ф.Ҳўломнинг улғу қозоқ ёзувчиси Собит Муханов, таниқли туркман шоири ва олим, академик Омон Кекилов билан ижодий ҳамкорлигига, асарларининг қиёсий таҳлиliga бағишланган. Сайланманнинг сўнгги икки бўлими муаллиф замондошлари, устозлари, ҳамкасблари ҳақидаги мақолалар туркумидан иборат бўлиб, уларда қатор таниқли олимлар ҳамда адиблар фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади.

Адабиётимиздаги сатира ва юмор жанри тараққийотини истеъдодли ёзувчилар Муродбой Нишонов ва Сайловбой Жумагуловлар ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Улар нафақат қорақалпоқ сатираси, балки бугунги ўзбек адабиётидаги сатира ва юмор жанри ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётганлиги илмий-адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. С.Жумагулов ва М.Нишоновнинг асарлари ўзбек тилига кўп марта таржима қилинди, китоб шаклида нашр этилди, пьесалари кино заллари ва театрларда намойиш этилди. Бу эса ўзбек китобхонларини М.Нишонов ва С.Жумагуловларнинг ёзувчилик маҳорати билан таништиришда муҳим аҳамият касб этди. К.Қўраббоев китобида ҳозирги қорақалпоқ адабиётининг ана шундай муваффақиятлари қатори адабий танқид ва унинг баъзи муаммоларига ҳам назар ташлашди. Бу соҳадаги ютуқ ва камчиликларни умумлаштирадиган, тақлиф ва мулоҳазаларини билдиради.

Шўбҳасиз, ушбу асар ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшунослигига қўшилган муносиб ҳиссадир. Энг муҳими, бу китоб уч халқ, уч адабий жараён, уч алоқабат ва адабиётшуносликнинг мустаҳкам алоқаларига хизмат қиладиган, фойдали илмий тадқиқотлардан биридир.

## НИГОХ

Эътибор қилсангиз, ота-она ҳам меҳрлироқ боласига, ижтимоий маънода ифодалганда келажакда маънавиятли шахс бўла оладиган фарзандига. Қўпроқ суянади, умид ва ишонч кўзи билан қарайди. Фарзандларнинг маънан камол топиши эса аввало, оилавий муҳит, улар дунёқарашининг шаклланишига қандай эътибор берилгани, ота-оналик масъулияти қай даражада адо этилганига боғлиқ. Бинобарин, ўсмир-ёшларнинг хатти-ҳаракатлари, вақтини нималарга сарфлаётганлиги, қизиқишлари оиладаги катталарнинг назаридан четда қолмаслиги жоиз. Ҳар ҳолда бу эътиборсизлик боланинг оила ва унинг азалий инсоний анъаналаридан, ота-ондан маънан беғоналашувига олиб келади.

Тамара ТИЛЛАЕВА, Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлари номзоди

Дунёдаги глобаллашув жараёнида турли хил мафқуравий таъсир воситалари дерайли монеликсиз, "хўлу қуруқ" баробар кириб келаётган бир даврда ёшларимизни турли ёт таъсирлардан асрашимиз — халқимиз келажакни, юртимиз эртасини асраш деганидир. Кишининг ички ва ташқи дунёси, юриш-туриши унинг маънавиятини англаётган экан, шу жиҳатларнинг бирортасидан беҳабар қолиш ёшларнинг онг-шуурида маънавий бўшлиқ юзага келишига йўл очади. Президентимиз "Юксак маънавият — онгилмас куч" асарида ёзгани каби "Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгига соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром тўйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур".

Бугунги кўнда ғаразли мақсадларни кўзлаган ёт кўчлар томонидан турли воситалар орқали қилинаётган мафқура-

вий ҳужулар айнан шу маънавий бўшлиққа қаратилётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Биз учун ҳаёт-мамот масаласи саналувичи бола тарбияси учун, аввало, оилада маънавий устулар пойдевори мустаҳкам бўлмоғи лозим. Бу ўз ўрнида катта ёшдагиларнинг ҳам маърифатли, жамият ва фарзандлар олдидаги масъулиятини англайдиган шахслар бўлишини тақозо этади. Бир нарса аён, ота-она маънавияти бўлган оиладаги ёшларнинг дунёқароши тоза, тарбияси ҳам мустаҳкам бўлади. Муҳими, ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқара билади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 26 апрель кўни тасдиқланган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси мажлиси баёнининг 2-илова-сидаги "Миллий менталитетимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган ҳолатлар олдини олиш бўйича чора-тадбирлар Дастури"да барча мута-садди идоралар, жамоат таш-

# Замонавийлик

миллийликка путур етказмасин

килотлари, муассасалар олди-га муҳим вазифалар қўйилди. Дастурда ёшлар маънавиятини шакллантиришда халқнинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларининг алоҳида аҳамиятини, аввало, ота-оналарга тушунтириш ҳақида таъкидлангани бежиз эмас. Зеро, жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилаларда камол топаётган ўғил-қизларнинг бугунги қарашлари, маънавияти, орзу-ўйлари, ота-оналаридан бошлаб бутун бир жамиятнинг эътиборида бўлмоғи лозим. Оила — илк тарбия ўчоғи, албатта.

Сир эмаски, одамлар фикратини маъв этиш, замонавийлик ниқоби остида ўзгаларни синдириш учун ёшларимиз онгига минг бир маънавий дарчалардан суқилиб киришга уринаётган кўчлар кўп. Бу ури-нишлар, маданият ва санъат шаклида бўладими, янғича урф-одатлар ёки компьютер технологиялари хизмати воситасида, улар ўсмир-ёшларнинг энди шаклланаётган қарашларини ўз оқмига буриб юбориш пайида бўлади. Айрим ёшларимизнинг юриш-туриши, ўзини тутиши, муомаласи, турли "янғича" урф-лоқа стилини равишда берилиши, энг ачинарлиси, бундай урфларнинг ёшлар ўртасида оммавийлашуви уларнинг маънавиятга жиддий таъсир кўрсатади. Бир қарашда майда-чуйда бўлиб қуриган бу ҳолатлар, катталарнинг "хали ёш-да, ўйнаб-қулаверсин" деган қабилда лоқайд қарашлари ёшларнинг миллий менталитетимиздан йироқлашуви, уларнинг онг-шуурида ота-она, эл-юрт, Ватан тушунчаларининг хира тортишига олиб келади. Шу ўрнида бир мисол келтирсак. Айтайлик, айниқса, шаҳар жойларидаги никоҳ

тўйларида келинчакнинг тўй кўни ҳаддан ташқари, очик-сочик (маъзур тутсинлару, ярим яланғоч тарзда) кийиниб чиқishi урф бўлиб қолди. Ажабо, бу замонавийликми ёки аждодларимиз маънавиятига нисбатан ҳурматсизликми? Бундай урф ўғил-қизлар маънавиятга нима бера олади ёки нимадан мосуво қилади? Кўча-кўйда қизларнинг кийинишида ҳам шу қолталарни кузатиб бош чайқайсиз. Уйдан чиқиб кетанида ота-онаси кўрмачи-микин, дейсиз беҳиётёр. Тарбиялик ва тарбиясизликнинг бир-биридан чегараси бўлганидай, кийиниш бобида ҳам меъёр бўлса, бу маънавий мезонларга путур етмаслигига ёрдам беради, албатта. Бинобарин, дунёдаги маънавий дарчалардан одам ақл-заковати, маънавияти билан фарқланади. Унда юксак тўйғулар, фазилатлар мўжассам.

Замонавийлик дегани қай-сидир урфга, одатга, бординки, гога кўр-кўрона эргашган тенгдошидан қолишмаслик учун ўзи англаб етмаган одатга эргашиб кетаверши эмас. Катта ёшдагиларнинг эътиборсизлиги, бунга ҳатто қиңикиб қолганлиги ташвишланарлиқдир. Ҳар ҳолда, замонавийлик маънавиятсизлик дегани эмас, бу тушунчани нотўғри тушу-нган ва ўзига шундай татбиқ этган ёшларнинг тарбияси ортада қилини тайин.

Яқиндагина тўй қилган бир хонадонга кирганимда шундай нуфузли оила аъзоларининг маънави қашшоқлигидан афсусландим. Замонавий... Одат-бир одат тарзида қайно-тасининг олдида очик-сочик, "шорти" кийган келинчак чой олиб кирди. Келиндан кўра биз ноқулай аҳволда эдик. Ҳар қадамда учрайдиган ин-тернет кафеларда ўсмир-

яшларнинг нима билан машғуллиги катталарни сергақ тортирмоғи шарт. Улар ўйнаётган ўйинларда ҳам жангарилик кай-қиши усту. Дискотека клублари, барларда гулдай ўғил-қизларимизнинг маъносини тушу-нган хоржий куй-қўшиқларга кечалари тельбаларча рақс ту-ишлари, гиёҳхандлик, ички-ликка берилишлари бундай ёшларни аста-секин манқуртга, зомбига айлантиради. Катталарнинг маънавий назорати сусайган жойда ўсмир-ёшларни мафқуравий ҳужулар ўз домига тортаверади.

Бу масалага оилада алоҳида эътибор бериш лозим. Президентиш шундай дейди: "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шўбҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқийсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза тўйғулари, илк ҳаётий тушу-нча ва тасавурулари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг халқаролини, табиати ва дунёқаролини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушу-нчаларнинг пойдевори оила шартида қарор топиши табиийдир".

Фарзандларимизда замонавий техник воситалардан мақсадли фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга катта эҳти-ёж мавжуд. Аввало, уларнинг тушу-нчалари, ҳаётга қароли, бизга бўлган самимий муноса-бати, ўз хатти-ҳаракатларига масъуллиқ ҳисси қай даражада эканлиги доимий эътиборта-лаб жиҳатлардир. Ҳар қандай тараққийот, глобаллашув замо-нида ҳам инсонга хос бўлган пок тўйғулар, маънавий қадри-

ятлар ҳар қандай ёшдаги киши қалби, шуурида бўлиши шу миллатнинг маънавий куч-қудратини намойён қилади ва бундай миллатни энгиб бўлмайди.


Яна бир мисол. Кишининг муомаласи унинг ички дунёсини акс эттириши табиий. Айрим йигит-қизларнинг бир-бирига оғизга олиб бўлмай-диган сўзларни айтиб муомала қилиши, бундан оддий ва табиий нутқиға айлантириб улғургани-ни кузатасиз. Жақратли сўзлар улар учун "қалайсан, яхшимисан" дегандай бир гап бўлиб қолган. Шу каби йигитларнинг бир-бири билан ҳўда-беҳўда ўпишиб кўришишлари ҳам уларда шаън, йигитлик мард-лиги, гурур тўйғуларининг су-саганлигини кўрсатади. Улар ўртасида бош тўқиштириб қўришшдай яна бир беъмаъни урф пайдо бўлганки, бундан қандай изоҳлашни билмайсан киши. Чинакам йигит кишига ярашмайдиган бундай қиқил-лар уларнинг мард, шижоатли, бир сўз билан эканини билдирмайди, деб ўйлаймиз.

Хуллас, ҳаётий мисоллар талай. Ота-оналарнинг лоқайдлиги, оқибатини ўйламай, фарзандларини талтайтириб қўйишларини кўриб бундай ота-оналар тиканини билиб бо-сида, билиб жабрини тортади, дегинг келади. Ёш ўғил-қизларнинг маънавий камолоти нафақат ёш авлод, балки бутун жамият ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим масала эканлигини унутиб бўлмайди.

Оқорида қайд этилган муҳим Дастур мазмунидан келиб чиқиб, ёшлар, болалар маъна-вий тарбияси борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўпли-гини англаш мумкин. Хусусан, вояга етмаганлар томонидан мўтолаа қилинаётган асарлар, томоша этилаётган видео ва тарқатма материаллар, радио-эшиттиришлар ва аудил ман-балар, угли алоқа воситалари устидан ота-она назорати ло-зимлигини тушунтиришга эътибор қаратилди. Шарқона одоб-ахлоқ, миллий қадрият-лар, буюк инсоний фазилат-ларни маҳалларда ташкил

этиладиган оммавий тадбир-лар давомида аҳолига мўн-та-миллатнинг маънавий куч-қудратини намойён қилади. Болаларни турли ёт таъсирлардан асраш, улар онги ва қалбида маънавий иммунитетни шакллантиришнинг самара-лаштиришга қаратилган тур-кум қўрсатувлар бериб бориш, дискотека, бар, ресторанилар, алкоғолли ичимликлар савдо-сини амалга оширувчи манзил-ларга 16 ёшга тўлмаган шах-сларнинг киришини таъқиқлаш амалиётини маъзур манзил то-монидан жорий этиш механиз-мини ишлаб чиқиш ҳам катта масъулият талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, эр-танги кўнимиз, келажакимиз, жамиятимиз равнақи ёшлари-мизга қай даражада тарбия бераётганимизга боғлиқ. Президентиш таъкидлаганлари каби: "Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандлари-мизнинг биздан кўра куч-ли, билимли, доно ва ал-батта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имконият-ларимизни сафарбар эта-ётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масала-си, ҳеч шўбҳасиз, беқийс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъ-ий ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзбўлар-чиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадрият-ларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маъ-навиятимиздан, тарихий хо-тирамиздан айрилиб, охи-р-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққийот йўлидан четга чиқиб қоли-шимиз мумкин". Бу рўйи за-минда миллат бўлиб, халқ бўлиб, ўз ўрнимиз ва маъке-имизни белгилаб олишимиз, эртанги кўнга янада овоз ва обод Ватан қолдириш учун энг аввало, биз ўз ҳаётимизнинг давомчилари ёш авлод — ўғил-қизларимиз тарбиясида истиқ-лол ва озоқлик қадрини синг-диришни ҳаёт-мамот масала-си, деб билиётимиз керак.



# ЖАРАЁН

МУАММО, ТАҲЛИЛ ВА ЕЧИМ

## МУҚАДДИМА

Фонограмма ишлаб чиқарувчилар халқаро Федерациясининг 2007 йилги маълумотларига кўра, йилига дунё миқёсида биргина мусиқий асарларнинг ноқонуний савдосидан топиладиган маблағ қарийб 5 миллиард АҚШ доллари ташиқил этаркан, контрафакция оқибатида кўрилган иқтисодий зарар эса унданда кўпроқ. Контрафакция кенг ёйилган мамлакатларда “қароқчи-тадбиркорлар” маҳсулотнинг ҳақиқий эгасига нисбатан мўмай-роқ даромад олишмоқда. Ваҳоланки, муаллиф битта асар яратиш учун йиллаб меҳнат қилади, машаққат чекади. Уни ижрога солади, куй басталайди, такрорланмас клиплар устида бош қотиради. Премьера, муваффақиятли концертларга тайёргарлик кўради. Бундай ташкилий ишларнинг барчаси узоқ муддат ва катта харажат талаб этиши сир эмас. Маҳсулот тайёр бўлгач эса уни “қароқчилар” атиги бир неча соатларда кўнай-тириб, нухсаларини яшишга пуллашмоқда. “Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир”, деб шунга айтсалар керак-да...



# Контрафакт: Тайёргарга айёрлар

### КЎЗ ИЛГАМАС СИФАТ

Бу борада Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги, Республика Бош прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, ИИБ, Давлат Божхона қўмитаси ва бошқа ваколатли ташкилотлар билан биргаликда контрафакт маҳсулотларни аниқлаш ва йўқ қилишда самарали ишлар амалга оширилади. Натيجида ўтган икки йилда 3000 дан зиёд тадбирлар ўтказилиб, жами 2 миллиард сўмлик қарийб 700 миң дан контрафакт дисклар йўқ қилинди. Давлат божхона қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, ўтган 2008 йилда 450 та ҳолатда салкам 1300 та беҳаёликнинг тарғиб этишчи турли шаклдаги “маҳсулот ва воситалар” ушланган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 142 та ана шундай ҳолат қайд этилган. Албатта, булар — ушланганлар...

Бозорларимизда муаллифлар билан шартнома тузмасдан сотувга чиқарилган ноқонуний аудио-видео маҳсулотлар кўпайиб, унинг ҳақиқий эгаларига етказилаётган маънавий ва иқтисодий зарар ҳамда давлат ҳазинасига тўланмаётган солиқлар катта суммани ташкил этмоқда, — дейди Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги Бош директорининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Иброҳим Аманбаев. — Амалга оширилаётган чораларга қарамай, мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан кириб келаётган контрафакт маҳсулотлар, яъни ҳуқуқ эгаларининг асарларидан ноқонуний нусха кўчириб сотиш ҳолатлари камаймапти. Назаримизда, бунга аввало, кенг аҳоли оммаси, ҳатто муаллифлар ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқидан яхши хабардор эмаслиги, шунингдек бозорларнинг лицензияланган маҳсулот билан етарли даражада таъминланмагани сабаб бўлмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги лицензияланган маҳсулотлар олиб кирилганда ва экспортга чиқарилганда божхона органларидан ушбу маҳсулотнинг бадий экспертизадан ўтказилишини талаб қилади. Хар бир аудио-видео асар нусхаси учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20% миқдоридан бож тўланади. Мазкур муаммоларнинг ҳал этилиши олиб кирилган ва экспорт қилинадиган лицензияли маҳсулот қийматининг тушишига, миллий лицензияланган маҳсулот экспорт қилиниш ҳақми кўпайиши ва чет эл валютасининг мамлакатимизга келиб тушишининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда ижрочи ёки муаллиф билан шартнома тузиб, шу асосда уларнинг асарларини қонуний кўпайтирган ҳолда лицензион интеллектуал маҳсулотлар тайёрлайдиган фонограмма ишлаб чиқарувчилар сони талайгина. Бироқ, улар-

нинг аксарияти контрафакция муаммоси фаолиятининг ривожланишига катта тўсқинлик қилаётганини таъкидлашади.

— Дастлаб, хонанда ёки ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузиб, асарни кўпайтириш ва сотиш ҳуқуқини оламиз, — дейди фонограмма ишлаб чиқарувчилардан бири “Onang media” масъулияти чекланган жамият раҳбари Носиржон Каримов. — Келишув асосида хонанданинг концерти тасвирга туширилади. Бу ишга камералар, кран, бир неча тасвирчи ва монтажчилар жалб этилиб, уларнинг меҳнати учун ҳақ тўлаймиз. Кейин тайёр маҳсулотни сифатли дискларга кўчираемиз. Хар бир сотилган маҳсулотдан тушадиган даромаднинг маълум фоизи шартно-

вақт кетди. Концертдан сўнг лицензион дискларни сотувга чиқарсак, орадан 2 соат ўтиб, муҳлислар мазкур йирик дастурнинг қалбаки дисклари чиққанлигини айтишди. Дастлаб ишонмадик, кўчага чиқсак, аллақачон “олғирлар” бизнинг шунча қилган меҳнатимизни сувга оқизишибди. Мен неча миллионлаб маблағ сарфлаб маҳсулот чиқариб, харажатимни чиқаролмайману, қароқчилар эса қисқа фурсатда катта даромад қилишапти. Аслида улар топайтган маблағ менга келиб тушиши керак, уларнинг бу харақати худди менинг чўнтагимдан пул ўғирлаб олиш билан тенг дегандир. Қўшиқчилик, кино-видео маҳсулотларига талаб ошаётган бугунги кунда қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқариш-

*“Контрафакт” сўзи латинчадан contra - қаршилик, facio - қиламан сўзларидан олинган бўлиб, интеллектуал мулк соҳаси амалиётида муаллиф руҳсатсиз унинг асарини кўпайтириш, қайта босиш, қайта нашр этиш, сохталаштириш ва тарқатиш деган маъноларни англатади.*

мага кўра, муаллиф, ижрочи ёки ҳуқуқ эгаларига берилади. Дейлик, битта концертни тасвирга олиш учун икки миллиондан ортиқ маблағ сарф қилиб, 100 данга тайёр маҳсулотни сотувга чиқараман ва диск баҳосини 4 миңг сўм, деб баҳолайман. Олдин Самарқанд, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларида шахобчаларимиз бор эди, контрафакция туфайли ҳаммаси ёпилди. Мазкур шахобчалар ходимлари бизнинг маҳсулотлар “под прилавка”га номингагина кўйиб, ўзлари арзон, сифатсиз дискларни сотиб тирикчилик қилишаркан. Охирикват уларга ишонганимиз туфайли жойлардаги филиаллар фаолияти тўхтатилади. Ҳозир асосий иш жойимиз Тошкентда. Бунга сабаб, мен чиқараётган маҳсулот сифатли бўлсада, сотасига қараганда икки баробар қимматлиги учун харидори кам.

Контрафакция билан шуғулланадиганлар на давлатга солиқ тўлашади, на муаллиф ёки ижрочиларга ва на фонограмма ишлаб чиқарувчиларга ҳақ беришади, уларнинг фаолияти, даромади ҳеч қаерда назорат қилинмайди. Киноя қилиб айтганда, маҳсулот ҳақиқий ва сифатли бўлгани учун қароқчилар бир дондан сотиб олишиб, уйда ўтириб, виджонсизларча миң-миңлаб нусхада қалбақлаштириб, хузурини кўришмоқда. Биргина мисол: биз хонандалар Ботир Қодир ва Мансурхон Нурматовларнинг қўшиқларини яратишдан тортиб, то “Истиклол” санъат саройида концерт намойиш этганига қадар биргаликда ишладик. Бунга ярим йилдан буён

га қарши кураш тадбирлари янада жадаллашса, бу борадаги қонунчиликка асосан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси тўлиқ таъминланса, қонунан фаолият кўрсатаётган биз каби корхона ва компаниялар ривожланарди. Масалан, мен расмий равишда корхона очганим, банкда ҳисоб рақамим, касса апаратим бор. 10-15 нафар одамга қонунан ойлик бераман, давлатга солиқ тўлайман ва фойда келтираман. Лекин қароқчилик билан шуғулланаётганлар ноқонуний равишда менга қарши, жамиятимизга қарши ишлашапти. 2006 йилда давлатга 20 миллион сўм солиқ тўлаган бўлсак, 2007 йилда бу миқдор 10 миллионга тушиб кетди. Кўриниб турибдики, контрафакция туфайли нафақат мен каби ишлаб чиқарувчилар, балки давлат ҳам катта зарар кўрмоқда. Юқорида келтирилган солиқ миқдори бу борада қароқчилик авж олган йилларга тўғри келади.

### ИХТИЁРИЙ МУТЕЪЛИҚДАН САҚЛАНИШ

Ноқонуний дискларнинг сифатсизлиги ачинарли ҳолат, аммо бизни кўпроқ ундан жой олган беҳаё фильмлар аҳоли, айниқса ёшлар дунёқарашини издан чиқариши, улар онгини заҳарлаши кўпроқ ташвишга солади. Бу борада энг муҳим вазифа тарғиб-бот-ташвиқот ишларини кучайтиришдан иборатдир. Бизнинг Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди Шавкат Тўраев билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

### сўрайман сотувчидан.

- 50 та атрофида кетади. Клип ёки қўшиқларга нисбатан киноларнинг бозори чаққон. Ўзбек фильмларига қизиқиш ҳам жуда катта.
- **Бундай маҳсулотларни кимлар кўпроқ сотиб олади?**
- Асосан ёшлар. Чунки дискларнинг ўзи унчалик қиммат эмас. Бир кунлик обеддан воз кечсангиз бас, 1-2 та диски бўласиз. Ҳозир деярли ҳаммамнинг уйда DVD бор. Бунга ёши катталар унча қизиқишмайди.
- **Узи бу дисклардаги кино, клиплар қандай тайёрланади?**
- Ака кўп савол бераёлсангиз-да, оласизми ўзи йўқми?.. Майли “пустой” дисклар асосан Хитойдан келади, уларни сотиб олиб, устига турли қўшиқ, клип ёки киноларни ёзамиз Буни битта одам қилмайди. Кимдир ёзиш билан шуғулланади, яна бошқаси сотади ва ҳоказо!
- **Буларнинг нархи ҳам бир хилми?**
- Ҳа, бир ярим миңг. Олмоқчи бўлсангиз бир миңг икки юз қилиб бераман.
- **Кейин бирор муаммо чикмайди? Тасвирлар қотиб қолиб ёки формати тўшмай...**
- Йўқ, ҳали бунақаси бўлмаган.
- **Сотувчининг “бунақаси бўлмаган”, деган жумласидан сўнг яна бир харидорнинг жаҳли чикди шекилли, дарров кўнглидагини тўкиб солди. Айтишча, тасвирларнинг шахмат доскаси каби чиққилар билан тўлиб тошиши, сифатсизлиги деярли барча кўчадан олинган дискларда учрайдиган касаллик экан. Бу эса кўпбала дискларда кўчирилган фильмларнинг зич жойлаштирилиши ҳамда асликдан узоқ бўлиши билан боғлиқ, деб сўзини аяқлади йўловчи.**

### КИЗГИН САВДО

- “Чорсу бозори”да ҳар кун иш қизгин. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари саёй-ҳаракати туфайли тартиб-интизом сақланган. Шунга қарамай, одамларнинг гавжумлиги харидор-у, сотувчиларга айрим ноқулайликларни туғдиради. Бу ноқонуний диск сотувчилар учун ҳам айни мuddадек.
- “Мана ўша кино, арзон ва сифатли, кўриб маза қиласиз!” Жарчи-рекламачининг бу чорловчи беихтиёр кишини ўзига тортади. Сотувчи столидаги турфа қиёфали “қахрамонлар” сурати билан бирга “адоғи йўқ” фильмлар номлари туширилган дискларга қизиқди. Нарв борса 15-16 ёшли сотувчи ўзини Сардор деб таништиради.
- **Мана бу дискка 8 та концерт ёзиб қўйилган экан. Одатда битта дискка битта концерт ва хонанда қўшиқлари ёки фильм ёзилмайдики?**
- Обьёми катта бўлгандан кейин кетади-да. Халиям бунда сакизта... Ун икки ва ундан ортиқ киноям бўлиши мумкин. Яши эмасми, битта диск олмасиз, шунча концерт, шунча фильм томоша қиласиз!
- **Нега хонандаларнинг исми-шарифлари, фильм номлари имло хатолари билан ёзилган?**
- Имло хатосини нима қиласиз? Сиз ичини томоша қиласиз-ку.
- **Ким томонидан яратилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот ёзилмаган. Бу дисклар қаерда ишлаб чиқарилган?**
- Уйга бориб, қўйиб кўринг, “Zamin film” ёки “Onang media”, “Muvad video” деганлари бор, концерт ёки фильм бошланишидан олдин шу ёзувлар чиқади. Ана шулар ишлаб чиқарувчилар, ака.
- **Кунига неча диск сотасиз, — соддалик билан**

- **Хориждан ноқонуний йўллар билан кириб келаётган жангари, беҳаё фильмлар, клиплар айниқса, болалар ва катталар аудиториясини ажратмайдиغان мультфильмларнинг таъсири оқибатида ёшлар маънавиятининг бузилиши, Шарқона одоб-ахлоқлардан четга чиқиб, Ғарбга нисбатан дунёқараш ўзгаришига олиб келади. Бизнингча, бу борадаги энг асосий чора-тадбирлардан бири нафақат тарғибот ва тушунтириш олиб бориш, балки таҳлил-назорат ишларининг мунтазамлигини йўлга қўйишдан иборатдир...**

- Фирқингизга қўшиламан. Марказимиз бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида”ги 451-сон Қароридан белгиланган вазифаларни оғишмай амалга ошириш йўлида харақат қилиб келяпти. Ушбу қарорда “ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш” устувор вазифа қилиб қўйилган эди. Сиз билан муҳокаса қилаётган масаламиз ҳам асосан ана шу вазифани биз мафкура жабҳаси ходимлари қанчалик изчиллик ва барқарорлик, қолаверса, ҳужумкорлик билан олиб боришимизга боғлиқ бўлиб турибди. Биздан ҳозир фақатгина тарғибот қилиб қўй қолш эмас, балки бошланган ишлар бўйича мониторинг олиб бориш ва ижросини таъминлаш ҳам талаб этилмоқда.

Жангари, беҳаё фильмлар, клиплар ёшлар онгига етказаятган зарарлар босма маҳсулотларникидан анча каттароқ, десак хато бўлмайди. Мониторинг гуруҳимиз аъзолари республикамизнинг турли шаҳар ва туманларида бўлган вақтларида ана шундай маънавий таҳдид воситаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан, биз кейинги 1-1,5 йил ичида бозорлардаги аудио-видео маҳсулотлар билан савдо қилаётган кўплаб тадбиркорлар фаолиятини ўрганиб чиқдик. Улар орасида шу ишни виджондан ташкил этаётган, халқимизнинг ана шу хизматга бўлган эҳтиёжини виджондан қондиришга интиляётган савдогарлар билан бирга, нафс балосига ғирфтор бўлган, фойда олдида виджонини ҳам, ориятини ҳам унутиб юборадиганлар борлиги маълум бўлди. Бозорга олиб чиқилаётган кўплаб маҳсулотлар ноқонуний йўллар билан кўпайтирилган бўлиб, асосан бундай видео маҳсулотларни кўриш ва баҳолаш имкониятидан ироқ бўлган ёшларга мўлжалланган. Улар “маҳсулотлар”нинг сарлавҳасини кўриб қўй унга харидор бўлиб қоладилар ва аста-секин ана шундай сифатсиз, арзон ва ёшлар дунёқараши издан чиқарадиган аудио-видео маҳсулотларга доимий харидор бўладилар. Мўайян гуруҳ ёшлар ана шундай бозорларнинг доимий мижозига айланганлар. Биз шу йил бошида Тошкент шаҳрининг қатор бозорларини, жумладан, “Фарҳод дехқон бозори”ни айланиб уларнинг сотилиши ҳамда харидорларнинг таркибини ўргандик. Видеомаҳсулотлар бозоридagi харидорларнинг қарийб 70 фоизини 20 ёшга етмаган ўсмирлар ташкил қилганди. Шу ёшдаги йигит-қизлар жангари фильмлар ёки бошқа енгил-елпи киноларга миллий менталитетимизга ёт қадриятларини ўз ҳаётлари учун ибрат, деб қабул қилишлари мумкин. Чунки қисқина сўровда уларнинг кўпчилиги маънавий меросимиз ҳақида яхши тасаввурга эга эмасликлари, улуғ алломаларимизни билмасликлари аён бўлди. Шу ерда савол туғилади: ҳар биримиз ўзимизни ватанпарвар деб ҳисобламасак, тадбиркорлар фойдани деб ориятини унутсалар, бу ишга аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот олиб бориш вазифасига қирадиган зиёлиларимиз панжа орасидан қарашса, ёшларимиз дунёқараши қандай шаклланади?

Мен бу саволни сизга айтиш билан айнан ўзимга ҳам берялман, чунки биз жойларда бўлганимизда баъзи ҳамкасбларимиз виджонини унутган ўша сохта тадбиркорларнинг жилловини тортиб қўймайди, лекин бир жойга 4-5 киши тўпланса, ўзи гувоҳ бўлган нарсани кўпиртириб айтиб беради. Бу ерда бизнинг фаол фуқарорлик позициямиз қани, дегинг келади. Ҳаммаиз нимандир, кимндир кутамизки, келиб камчиликларимизни тузатиб берса, аслида қайси биримизда шуларнинг пайини қирқиб ёки жилловини тортиб қўйиш учун ваколат етмайди? Ваколат етди, лекин уни тасарруф қилмаяпти оғос. Масалан, тадбиркорнинг ҳақалак олган нафсини тийиш учун катта нарса керак эмас, уни ё солиқчи, ёки тадбиркорлар палатаси вақили ёки бозор маъмурияти тартибга бемалол ола билади. Қолаверса, ўша худудлардан сайланган шаҳар, туман, вилоят депутатлари, ундан ҳам қолса участка назори, оқсоқоллар ва ҳоказо жамоатчилик ҳамда вакиллик кучлари бор. Нега шулар ваколатларини мақсади қўлашга шовилмаяптилар? Бундай лоқайдлик аслида хавфли иллат эмасми?

Биз ана шу иллат билан аёвсиз кураш олиб боришимиз керак. Биз мустиқил, суверен мамлакат фуқароларимиз, мустабид тузум давридаги мутелик, ташаббуссизлик ва ҳадикларини йиғиштириб, овоз ва обод Ватанимизда демократик жамиятни янада мустақамлаш менинг ва сизнинг вазифамиз эканлигини англашимиз лозим. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов бекорга бизнинг юракимизга ҳеч кимдан кам эмаслик ҳиссини сингдиришга интиляптилар.

Марказ ўз номи билан илмий-амалий бўлгани учун фаолиятимизни ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан

лиятимизнинг ночор жойлари ҳам борлигини унутмаймиз, унга ҳаққимиз ҳам йўқ.

...Бизнинг орамизда юриб, биз билан бирга яшаб ўз маданий ва маънавий меросимизга бепасанд қарайдиган, телевидение, интернет орқали кириб келаётган баъзи саёз, енгил-елпи нарсаларни қимматли матоҳ деб қабул қилаётган фуқароларимиз борлигига нима дейиш мумкин. Фақат қорин гами билан, нима қилиб бўлса-да бойлик топиш илинжида юрган, умрида бирор бир китоб ёки даврий матбуот билан таниш бўлмаган кишилар хориждан кириб келаётган нарсаларга ўч бўладилар. Буни мен ўз кузатишларимга асосланиб айтаялман. Фуқарода ватанпарварлик бўлиши лозим. У қандай пайдо бўлади, албатта ўзининг қимлигини унутмас, аждодларининг қимларга мансублигини билса, ана шунда Ватан тақдирига, ўз фарзандларининг дунёқараши қай йўсида шаклланаётганига бефарқ бўла олмайд.

Салбий иллат юкучан, деган гап ҳақиқатлиги барчага аён. Шундай экан, у билан курашиш, айниқса, ундай иллатларнинг босма маҳсулотлар, телевидение ва интернет орқали кириб келишининг олдини олиш, ёшларга уларга нисбатан иммунитет ҳосил қилиш лозим. Бу эса ҳаммамиздан огоҳлик, ҳушёрлик ва саёй-ҳаракатларимизни жамлашни талаб қилади.

Мусиқий асарлар, кино-видео маҳсулотларни қалбақлаштириш муаммоси овоз ёзиш ва кино санъати ривожланиши билан вужудга келган. Дастлаб, грампластинка, кейинчалик аудиокассета, бир неча йиллар ўтиб видеокассета каби фонограмма маҳсулотлари қароқчилик билан шуғулланишининг муҳим объектларидан бўлиб қолди. Сўнгги 5-10 йил ичида информация техноло-

### Лицензион ва қалбаки маҳсулотлар ўртасидаги фарқлар

1. **Ҳар бир корхона ўзининг голограммаси — ҳимоя белгиси билан маҳсулот чиқармоқда. Бу белгига турли томондан қаралганда унинг шакли ўзгариб, турфараг товланади, ялтирайди, қалбаки дискларда бундай ҳимоя белгиси мавжуд бўлмайди.**
2. **Лицензион маҳсулотлар махсус қўтиларга солинади, унинг муқовасида кўрсатилган маълумотлар наириётда сифатли полиграфик қоғозда чоп этирилади. Уй шароитида кўпайтирилган дисклар учун тайёрланган жидлар сифатсиз, ундаги суратлар хира, маълумотлари эса кўпинча имло ва услубий хатолар билан ёзилган бўлади.**
3. **Сифатли маҳсулотларда корхона номи, жойлашган ўрни, алоқа учун телефон, электрон манзил каби маълумотлар ёзилган бўлади. Сохта дискларда эса альбом ва ижрочининг номи ёзилади, расми кўрсатилади, бўлди, бошқа маълумотлар кўрсатилмайди, хуфёна ишлаб чиқарилгани учун яширилади.**
4. **Лицензион дискда битта концерт ёки битта альбом жой олган бўлади. Қалбаки дискларда эса 5-10, баъзан ундан ҳам кўп альбомлар, ҳар хил қўшиқчиларнинг клиплари ёки фильмлар жамланган бўлади.**

мувофиқлаштириб, республикамиздаги йирик олимларни тарғибот ишларига жалб этаёлмиз. Масалан, 2008 йилнинг иккинчи ярми ва жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида мухтарам Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарини ўрганиш бўйича мультимедия дастурини яратдик ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг қарори билан унинг ўқувини ташкил этдик. Натيجида республикамизда салкам 2,5 миң киши мазкур мультимедия аудиториясининг тингловчилари бўлдлар. Уқув жараёнида тингловчиларга бевосита босма маҳсулотлар воситасида четдан оқиб келаётган зарарли, тажоввузкор гоялар ҳақида ҳам таҳлилий маълумотлар берилди. Бу жойларда жуда катта қизиқиш уйғотди ва фаолиятимизни тақомиллаштириш борасида фикрларни умумлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш имконини бермоқда. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин биз юқорида таъкидлаганимдек, фао-

гияларнинг кескин ривожланиши натижасида компакт дисклар оммавий равишда истеъмолга кирди ва шу тариха контрафакция янада кучайди. Контрафакция қонунчиликда ўғирликка тенглаштирилган жиноят саналади. Негаки, қароқчилик йўли билан қалбақлаштириладиган маҳсулотлар ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмайди, белгиланган солиқларини ҳам, муаллифга берилиши лозим бўлган ҳақни ҳам тўламайди. Мутахассислар мазкур муаммонинг олдини олишда иккита муҳим жиҳатга эътибор қаратишни таъкидлашди. Яъни, бу борада махсус қонун ишлаб чиқиш зарурлиги, оммавий ахборот воситалари орқали жиҳдий, таҳлилий материаллар бериб бориш ва энг асосийси, одоб-ахлоқ, маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатаётган ноқонуний дисклар савдосига қарши курашда фуқароларнинг ўзлари бевосита ташаббускор бўлишлари лозим.

**Бехбуд БОТИРОВ, Ақобир САЙИДОВ, «Milly tiklanish» мухбирлари**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Талаба талабага қарши

АҚШ, Европа олий даргоҳларида рўй бераётган оммавий отишмалар нафақат Фарб, балки бутун дунёни ижтимоий ҳаёт муҳити, қонунчилик ва, умуман, инсон руҳий ҳолати ҳақида жиддий ўйлаб қўришга ундамоқда



бир-бирига ўхшаш. Ҳаётнинг айрим зарблари дош беролмай, кўп вақтини интернетда ўтказиб, қўқинчли фильмларни томоша қилиш ёшларни депрессия ҳолатига туширмоқда. Айрим ўсмирлар жиноят содир этишдан аввал руҳшунос кўригиди бўлган, эътиборга молик жиҳати шундаки, жиноятчилар «мудҳиш кунлар арафасида» қора кийимда юришган. Уларнинг яшаш жойлари текширилганда ўқотар қуроллар, пистолетлар топилган. Хусусан, Германияда айрим ёшлар маҳаллий қурол-аслаҳа клубларига аъзо бўлгани аниқланган. Бу эса уларга мамлакат қонунига мувофиқ ҳарбий қуролларни сотиб олиш ва сақлаш ҳуқуқини беради.

Ҳўш, ҳаётни энди бошлаётган ёш йигит ва қизлар нега бу қадар нафратга тўлган? Бунга айбдор фақат уларнинг ўзими? Ким хатога йўл қўйган? Нега ўқув муассасаларида бундай қонли воқеалар тез-тез рўй берадиган бўлди?

### Мутахассислар фикрича...

Бунга аввало болаларга ҳаддан ортиқ кўп эркинлик берилганидир. Ёшлар эркинлики ўзбошимчилик, деб тушунилади. Ота-она, қариндош-уруғ ва умуман жамиятнинг эътиборсизлиги тўғрисида улар ҳимоясиз, қўмақсиз қолишмоқда. Айниқса, ёш қизларнинг эрта ҳомилдор бўлаётгани, Европанинг айрим давлатларида бир жинслилар никоҳи қайд этилгани ва бу қонунан руҳсат этилгани мамлакат генофондида, энг ачинарлиси, ёшларнинг ахлоқ-тарбиясига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Бугунги кунда Фарб мамлакатларида ҳар 10 та никоҳнинг 7 таси бузилаётгани фожиа эмасми? Бошқача айтганда, «оммавий маданият»га асосланган таълим-тарбия ва яшаш жамиятда охири-оқибат маънавият, ахлоқ-одоб, бағрикенглик ва азалий қадриятларнинг емирилишига олиб келмоқда.

Аваллари америкаликларнинг хоббилари, овқатланишлари ва ҳатто, кийинишлари кўпчилик қизқарди, уларга тақлид ҳам қиларди, - дейди АҚШ жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази раҳбари Алан Томмер. - Аммо бугунги Америка жамияти, мактабларга ҳужумлар, ёшлар орасида қон томирини кесиш тобора урфга айланаётгани бизни хавотирга солмоқда. Бу эса ҳам океан орти, ҳам Фарб давлатларида ахлоқ нормаларини қайта қўриб чиқиш, чуқур илдиз отаётган жиноятчилик ва наркоманиянинг олдини олиш борасида тарғибот кампаниясини бошлаш зарурлигини билдиради. Бунда энг аввало кенг тарқалган наркотиклар ва ичкиликбозлик, мактаблар, олий ўқув юртлирида интизомнинг пастлиги,

ўқитувчи ва синфдошларга нисбатан ҳурматсизлик каби асосий қусурларни бартараф этишдан бошлаш даркор.

### Иккинчи омил

Эркинликнинг чегара билмаслиги тарбиядаги маъно-мазмунга таъсир кўрсатмай қолмади. Ёшлар янгидан-янги замонавий ўйинлар билан ошно тулди ва уларни ота-оналар назорат қилмай қўйди. Психологларнинг айтишича, бола бу ўйинларни ўйнаб ўзидаги агрессивни босиш йўллариини излайди. Мазкур ўйинлар таъсири ўларок бола зўравонлик, ўлим, отиш каби ҳолатларни вертуал деб қабул қила бошлайди. Каттароқ бўлган, уларда «хаммаси-ўйин» деган тушунча пайдо бўлади. Одамни ҳақиқатдан ҳам ўлдирган чоғида уни ўйиндаги ўлим билан фарқини тополмайди.

### Учинчи сабаб

Бу ёшлар орасида жиноятчиликнинг кўпайишига ўқотар қуролларнинг сотилишига расман руҳсат берилгани билан боғлиқ. 2004 йилга келиб АҚШда жиноятлар сони 1980 йил билан таққослаганда 5 баробар ошди, 6,7 миллион кишига етган. Хусусий шахслар қўлида 200 миллион донадан ортиқ қурол-яроқ бор. Мамлакат конституцияси ўз фуқароларига қурол сотиб олиш, сақлаш ва уни ёнида олиб юришга руҳсат беради. Милити ва тўппончани Америка фуқароси бўлмаган қонуний мақомга эга кишилар ҳам сотиб олишлари мумкин. 5,2 миллион фуқаро истиқомат қилаётган, ҳар 100 кишига 56 та қурол-яроқ тўғри келадиган Финляндияда ҳам кейинги пайтларда жиноятчилик кўпайган.

«АҚШда отишмаларнинг мунтазам ҳолатга айланиб қолаётгани Америка қонунчилигида ва айнан, ўқотар қуролларни олиб юриш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи тизимида аллақандай емирилиши акс эттиради. Агар биз жамиятни бироз бўйса-да инсонпарварлаш-

тира олмас эканмиз, ҳеч бўлмаса, фуқароларнинг сабабсиз қўлига қурол олишига имкон бермаслигимиз керак», - дейди америкалик олим ва психолог Томми Уэлтон.

### Тўртинчи сабаб

Россиялик мутахассисларнинг фикрича, бу замонавий жамият муаммолари бўлиб, нафақат Америка, балки бутун дунё мамлакатларига тегишлидир. Замонавий дунё оддий одамларга нисбатан шу қадар шафқатсизки, ҳатто кундалик оддий иқир-чиқирларга ҳам инсон руҳини дош бера олмайпти. Дейлик, доимо бирор нарсага улғуриш ёки тирикчилик учун ишлаш заруратини елкасида олиб юрган одамлар, иш ёки оиладаги кичик муаммони ҳам кўтара олмайдилар. Ёни, йиллаб йиғилган ва табиий деб қабул қилинаётган билинар-билимас зўриқиш охири-оқибат «портлаш»га олиб келади. Америкалик мутахассисларнинг ўзлари ҳам мамлакатда шахсга нисбатан кўрсатиладиган руҳий босим фавқуллоҳда юқори, деб қараяпти. Бу борада ривожланиш йўлида тобора илдамлаётган ҳар бир давлат ўз хулосаларини чиқаришга шошилиши лозим.

### Хулоса

Сўнгги маълумотларга кўра, Европанинг аксарият давлатларида ўқувчи-ёшлар «қора кўйлак»ларда аҳолини кўрkitиш, уларнинг қимматбаҳо бўюмларини ўғирлаш орқали завқ олишлари ҳам авжига чиққан. Ҳуқуқ-тартибот органлари олиб борган рейдлар натижасида Англия, Германиядаги ахлоқ тузатиш колонияларида бузғунчи болалар сони 4 мингдан ошиб кетган. Улар маълум вақтдан сўнг белгиланган жарималар эвазига олиб чиқилади, аммо уларнинг ноҳуш ҳаракатларни қайта содир этмаслигига ҳеч ким қафолат беролмайди. Юқорида тилга олинган жиноятлар, қотилликлар дунёнинг қайсидир бурчагида бугун ёки эртага ҳам содир бўлиши мумкин. Эро, бунинг олдини олиш бир ой ёхуд 1 йиллик иш эмас. Мутахассислар «шишиб келаётган» муаммони бартараф этишда ҳукумат микёсида қонун ёки концепция қабул қилиш ҳам зарур эмаслигини таъкидлашади. Бу фарзанди камолини кўрувчи ҳар бир инсоннинг муқаддас, инсоний таълим-тарбияси, билими эвазига яхшиланishi мумкин. Ривожланиш жараёнида жамият инсонларни «унутиб қўйиши» мумкин. У доимий фаолиятни талаб қилувчи механизмга айлана боради. Бу механизм орасида инсонпарварлик ўз-ўзидан емирилиб кетади. Осиё мамлакатлари мазкур муаммони аъаналар, кадрятларни сақлаб қолиш йўли билан бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Эро, айна шундай кадрятларнинг бош гоёси инсонпарварлик, ҳурмат ва бағрикенглик эканлиги бизга маълум.

### Хорижий ўқув муассасаларида содир этилган йирик отишмалар

- 1966 йил 1 август: Чарльз Уитман кузатув майдончасига кириб олиб ўқ ўза бошлаган ва 96 дақиқа мобайнида 16 кишининг умрига зомин бўлиб, 31 кишини жараҳатлаган.
- 1996 йил 15 август: 36 ёшли Сан-Диего университети аспиранти ҳимоя пайтида уч нафар профессорни отган.
- 2000 йил 28 август: Арканзас университетидида 36 ёшли талаба Жеймс Истон Келли ва 67 ёшли профессор Жон Локке узаро келишиб бир-бирини отиб ташлаган.
- 2002 йил 16 январь: 42 ёшли Питер Одигезиува, Аппалач юридик мактабидан ҳайдагач, декан, бир нафар ўқитувчи ва ўқувчи ва яна уч кишини ўлдирган. Уни талабалар қўлга олишган.
- 2002 йил 28 октябрь: Форс кўрғазидидаги уруш фахрийси ва Аризона университети талабаси 40 ёшли Роберт Форс бешта тўппонча билан қуролланиб уч нафар ўқитувчи ва ўзини отиб ташлаган. У касалхонада ишаламоқчи эди.
- 2002 йил: Германиянинг Эрфурт шаҳрида содир этилган жиноят оқибатида мактаб ўқувчиси 13 нафар ўқитувчи ва 2 нафар ўқувчи ва полиция ходимини ҳам отиб ўлдирганди.
- 2006 йил 2 сентябрь: 49 ёшли Дуэлас Пеннингтон ўзини 24 ва 26 ёшли ўғилларини ўлдириб, Ҳарбий Виржиниядаги Шеперд кампусида ўз жонига қасб қилган.

# ДУНЁДАН

## ДАРАКЛАР

### Маблаглар оширилади

«Катта йигирматалик» жаҳон бозори назоратини кучайтирмоқда.

АҚШнинг Питтсбург шаҳрида ўтказилган икки кунлик саммитда томонлар жаҳон иқтисодиёти ва бошқарувида доир қарорлар «Катта йигирматалик» доирасида қабул қилинишига келишиб олишган. Унга кўра, келгусида иқтисодий таъназулнинг олдини олиш, ривожланаётган давлатлар учун тенг имкониятлар яратилади. Янги қоида-мезонга мувофиқ молия тизими устидан бошқарув кучайтирилади, банклар эса захирадаги маблағни оширади, токи сармоя ёки қарз қайтмаса, истаган пайтда унинг ўрнини қоплаш имконияти бўлиши лозим. «Катта йигирматалик» давлатлари иқтисодий таъназул мақсадида фоиз ставкаларини кесиб, янги иш ўринлари яратиш учун бюджетдан кўп маблағ ажратган.

### «Кетсан» «кетмоқда», бироқ...

Филиппин халқаро ҳамжамиятдан ёрдам сўрамоқда.

Соатида 100 километргача ҳаракатлаётган «Кетсан» тропик тўфони, айниқса, мамлакат пойтахти Манилага жиддий зарар етказган. Бу ерда сув сатҳи 1-6 метргача етган. Сўнгги 40 йилдаги энг кучли табиий офат оқибатида қарийб 450 мингдан зиёд аҳоли уй-жайларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бу эса мамлакат иқтисодиёти учун катта сарф-харажатларни талаб этмоқда. Айни пайтда халқаро ҳамжамият томонидан Филиппинга иқтисодий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳозир «Кетсан» тўфони Филиппиндан Хитойнинг Хайнан вилояти томон ҳаракатлана бошлаган.

### Сайлов натижалари

Германияда Бундестаг учун сайловлар ўтказилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, унда амалдаги Германия канцлери Ангела Меркел раҳбарлигидаги консерваторлар 33,8 фоиз овоз тўплаб, галаба қозонган. Социал-демократларга эса аҳолининг 23 фоизигача ишонч билдирган. Бу эса партия тарихидаги энг паст кўрсаткич саналади. Эро, 1953 йилги сайловлар жараёнида ГСДПСи 28,8 фоиз овоз тўплаб, жиддий мағлубиятга учраганди. Эндиликда консерваторлар ва либераллар коалицияси тузиб, яқин кунларда ҳукуматни шакллантириш борасида музокара бошлалари кутилмоқда.

### Йўқотиш \$350 миллиард

Форс кўрғазидидаги тўртта араб давлатининг суверен инвестиция жамғармаси жорий молиявий-иқтисодий ишқироз тўғрисида 350 миллиард АҚШ доллари йўқотган.

Ассошиэйтед-пресснинг БМТ маълумотларига таяниб хабар беришича, 2008 йилда жамғарма активлари 2007 йилги 1,165 триллион доллар ўрнига 1,115 триллион АҚШ долларини ташкил этган. Ҳозир араб давлатларининг активлари ички бозорда фаол жорий этилмоқда. Форс кўрғазидидаги инвестиция фонди Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар ва Бирлашган Араб амирликларининг давлатлари томонидан ишлаб чиқарилаётган нефть экспортини шаклланди. Улар томонидан кунига 13 миллион баррел нефть экспорт қилинади. Бу бутун дунё нефть маҳсулотининг 18 фоизини ташкил этади.

Интернет хабарлари асосида Кумри НАДЖИМОВА тайёрлади

## БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Яқинда Германиянинг Бавария шаҳридаги «Carolinum» гимназиясида мудҳиш воқеа юз берди. Шу мактабнинг 18 ёшли ўқувчиси Георг Рэмер маҳаллий вақт билан соат 9:35 атрофида синфхоналарга кириб, қўлидаги шишада тайёрланган хавфли аралашмани отган. Оқибатда қарийб 10 нафар ўқувчи оғир тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган. Воқеа жойига етиб келган полиция ходимлари жиноятчини ушлаб, гимназия аъзоларини хавфсиз жойга эвакуация қилган. Афсусларли жиҳати шундаки, бу Германияда жорий ишдаги учинчи ноҳуш ҳолатдир.

Шу йилнинг март ойида Виненден шаҳридаги мактабда 17 ёшли Тим Кречмер уйдан пистолетни ўғирлаб, 15 кишини ўққа тугган, маҳаллий аҳоли ақлдан озган қотилнинг ўқ овозлари остида қолган, жиноятчи бир нафар полициячинини жараҳатлаб, кейин қуролни ўзига қаратган... ва ҳеч қанча вақт ўтмай ҳаётдан кўз юмган. Орадан икки ой ўтиб, А.Эйнштейн номидаги гимназияда 16 ёшли Таня Оттонинг шубҳали ҳаракатлари аниқланмаганида, мазкур олий даргоҳ бошига ҳам қора кунлар тушарди. Асли украинalik Татьяна синфдошлари хилват жойда хавфли аралашма тайёрлаётган пайтда қўриб қолишган. Жиноятчи вазият кескинлигини билиб, жўфтакни ростлаган. Полиция ходимлари унинг қолдириб кетган сумкасида портловчи модда, пистолет, пичоқ ва хайрлашув хатини топилган. Орадан бир кун ўтиб, Т.Отто кўлга олинди, 11 август куни жиноятчи жавабгарликка тортилган. Айнан ёш қизалоқнинг қилмиши тўғрисида бугунги кунда Европадаги аксарият ўқувчи-ёшлар «рюкзак» - мактаб портфелини олиб юрмайдиган бўлишди.

Мутахассислар ҳар уч нафар ўқувчи - Георг Рэмер, Татьяна Отто, Тим Кречмерни бундай қабихликка нима мажбур қилганини излашди. Балки, иқтисодий етишмовчиликдан қийналишгандир ёки яқин қариндошлари ташлаб кетгандир? Аммо бундай бўлиб чиқмади, ҳамма гап уларнинг руҳий ҳолати ва жамиятдаги қўримас таъсирлар бўлиб чиқди. Тим Кречмернинг жиноят содир этишидан бир кун олдин дўстига интернет орқали шундай хат ёзди: «Етарли. Мен бундай даҳшатли ҳаётдан тўйдим. Ҳеч нарса ўзгармаяпти - ҳамма менинг устимдан қулаётти, ҳеч ким менинг қандай имкониятга эгалигини кўрмайпти. Менинг қўлимда қуролим бор, эртага мен собиқ мактабимга бораман ва мен уларни «қовураман». Балки, қочиб қоларман. Хабарлардан хабардор бўл, сен мен ҳақимдан ҳали эшитасан. Фақатгина Виненден шаҳрини эслаб қол». Бироқ дўсти бундай сўзларга эътибор бермайди, аммо Кречмер ҳазиллашмаганди.

Бундай мудҳиш воқеалар фақат Германияда рўй берапти, деб бўлмайди. Ўтган ярим йил давомида АҚШ, Голландия, Аргентина, Бразилия, Сербия, Финляндиядаги энг машҳур ўқув даргоҳларида қуролли ҳужумлар билан боғлиқ жиноятлар кузатилган. Биргина Лондоннинг ўзида ўтган йили 30 нафардан ортиқ бола тенгдош жиноятчи томонидан пичоқ ва тўппончадан ҳалок бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, ёш авлоднинг бундай қотиллик сценарийлари

## РАНГИН ДУНЁ

# Қадимги хариталар

ўз даврида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milly tiklanish» муҳбири

Умуман олганда кейинги 10 йил ичида олимлар томонидан 57 та қадимги географик хариталар аниқланган. Шундан 37 таси Франция, 7 та Италия, 2 та Мальта, Дания ва Болгария, Германия, Ироқ, Иордания ҳамда Жазир, Миср, Грузия ва Туркиядан топилган. Мутахассисларнинг айтишича, қадимги хариталар асосан икки йўналишда — ҳайвон сурати тасвирланиши билан ёки пиктографик ёзувлар ёрдамида тuzилган бўлган.


Маълумотларга қараганда, Туркияда энг қадимги дунё харитаси ҳақида китоб ҳам нашр қилинган. 2001 йилда австра-

лиялик геодезист Джон Брок ва «Measure & Map» журналининг муҳаррири Джон Фейрл биргаликда «Энг қадимги хари-

та» номли мақолани нашр қилишган. Бу мақола Кеват Улкекалемнинг «Каталхюк шаҳрининг лойиҳаси» номли китоби асосида ёзилган. Ушбу мақолада ёзилишича, Британия археология институти директори Джеймс Меларт 1961 йили Каталхюкда (ҳозирги Туркия ҳудудида) қазилма ишларини бошлаб юборарди. Қазилма ишларини ўтказишга у ердан топилган 5000 йиллик тарихга эга бўлган суний қўрғон сабабчи бўлади. Археологлар қўрғонга киришганида неолит даврига тегишли бўлган бир қанча ашёларни топилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўша даврда одамлар ўз уйларида ҳамаси 100 йил яшаб, кейин уни тупроқ билан қўмиб, усти-

дан янги уй қуриб яшашган. Ана шу қават-қават қурилган уйлари, нинг энг пасткиси текширилганда у 8500 йиллик тарихга эга экани маълум бўлган. Олимларнинг хайратга солган ёри шундаки, бу уйларининг деворлари бир-бирига уланган бўлиб, орада очик ёр ҳам, кўча ҳам бўлмаган. Демак, улар бир-бири билан уланган, мустаҳкам уйлари ёрда-мида атрофдаги бошқа қабилаларнинг ҳужумидан муҳофазаланишган.

Бу экспедицияда Джеймс Меларт ўз ходимлари билан ҳаёлига ҳам келтирмаган нарсани, яъни унинг деворларида ушбу шахарнинг харитаси ҳамда вулканининг отилиши тасвирланганини аниқлайди. Шунингдек, кейинчалик 1993 йилда яна қазилма ишлари давом эттирилди, у ердан қулочликчи буюмлари ва ҳайвонлар терисига тусирилган хариталарни топилди. Каталхюк харитасига келасак, айна пайтда бу харита бутун дунё олимлари томонидан чуқур ўрганилмоқда.



Олимларнинг таъкидлашича, Италиядан ер шарининг гарбий қисми тасвирланган қадимги харита топилган. Харита тошқотган қора лойга ўйиб чирилган бўлиб, эразмиздан аввалги 500-йилларга тааллуқли экан. Унда асосан Аппенин ярим ороли ва у ердаги Солето, Отранто, Угенто, Таранто шаҳарлари тасвирланган. Бу харита икки йил аввал Montpellier университети ходими Тьерри Ван Компорнелле бошчилигидаги бир гуруҳ белгиялик тадқиқотчилар томонидан топилган эди. Бироқ, уни қалбаки эмаслигини аниқлаш мақсадида харита оммадан сир сақланган ва бугунги кунга кели унинг сохта эмаслиги ўз тасдиғини топган. Ҳозирги кунда ушбу харита Тарантодаги миллий археологлар музейида сақланмоқда. Харитада Таранто (авваллари «Тарас» деб аталган) шаҳри ва аҳоли яшайдиган 13 та пункт тасвирланиши билан бирга уларнинг номлари юнон тилида аниқ ёзиб қўйилган, дейилади Discovery хабарномасида. Мутахассисларнинг таъкид-

# КЎЗГҮ

## КОШОНА

- Санъат умрбоқийликни талаб этади. Унда энг муҳим шарт ўз ўрнини топиша интилиши ва бир-бирини такрорламасликдир, - дейди Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театри бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Омонбоев.

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи,  
"Milliy tiklanish" мухбири

# Қайта яралган театр

унинг учун 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди



Маънавият эл ҳеч қачон хор бўлмайди. Ҳамма замонда ҳам маънавият гоят юксак кадрланган. Инсоннинг бойлиги унинг мол-дунёсига эмас, аксинча маънавияти, одоб-ахлоқига қараб белгиланишида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуси ва сайй ҳаракати туфайли мазкур масала бугуннинг долзарб воқелигига айланиб, жойларда ижобий ечим топмоқда.

Инсоннинг билимли бўлиб вояга етишида мактабнинг ўрни катта, аммо унинг маънавиятли, маданиятли шахс бўлиб камол топиши учун хизмат қиладиган соҳа ҳам борки биз бугун айнан шу мавзуда, аниқроғи шу улғув вазифани зиммасига олган ва уддалаётган табаррук масканлардан бири Огаҳий номидаги мусиқали драма ва комедия театри, унинг ўтмиши, бугуни ва келажиги ҳақида бироз мушоҳада этишни лозим топдик.

Урганчининг қоқ марказида жойлашиб, шаҳар кўржика-кўрк, чиройига-чирой қўшиб турган театрининг салкам 90 ёшли экани ва унинг тарихи кўнра шаҳар Хива номи билан боғлиқлигини ҳамма ҳам билвермас керак.

Хоразмда сахнавий томошалар қадимда ҳам кенг раванк топгани ва умумхалқ сайларида "Куржакчилар" томошалари катта қизиқиш билан олушлангани тарихдан маълум.

1922 йилнинг 2 март куни Хивада "Халқ уйи" янги театр биноси очилиб, 12 кишидан иборат "Хукумат театри" тузил-

ган. 1000 кишига мўлжалланган театрининг 4 ойда қуриб битказилгани ва очилишига атаб ёзилган "Шарқнинг уйғониши" поэмаси намойиш этилганлиги, маросимда 2000 дан зиёд одам қатнашгани ҳақида газеталар маълумот берган.

Хоразм маркази 1933 йили Урганча кўчганлиги муносабати билан театр ҳам кўчирилган ва Хоразм округ Давлат театри билан таъминланганига гувоҳ бўламиз. Актерлар учун ажратилган пардозхона, дам олиш ва ювенил хоналаридаги қулайликларни қўриб кишининг ҳаваси келади.

Соҳада эриштирилган муваффақиятларни ҳеч иккиланмасдан мустақиллик билан боғласак бўлади, - дейди театр бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Б.Омонбоев. - 2 миллиард сўмдан ортқ маблағ сарфланиб, қайта таъмирланган театримиз янги қурилгандай бўлди. Қувонарлиси, унинг очилиш маросими айни мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллик шодийнаси арафасида бўлиб ўтди. Бу бизнинг жамоа учун катта тўхфа бўлди. Чиндан-да биз санъаткорларга катта эътибор бераётган, театрининг бугунги қиёфасини белгилаб берган, унинг моддий-техник базасини мустақамлашда, санъаткорларга эмин-эркин ижод қилишлари учун кенг имконият ва барча зарур шароитларни яратиб берган муҳтарам Юртбошимизга ҳар қанча раҳмат айтсак кам. Театримизнинг янгича кўрини-

яна бир бор амин бўламиз. Узоқ, аммо шарафли йўлни босиб ўтган театр, унинг жамоаси ҳақида ҳар қанча илиқ гаплар айтсак кам.

Театр биносини кезар эканмиз анчадан бери таъмирта-лаб бионининг бугун янгича қиёфа касб этгани, серхашам тамошагоҳ ва ҳар бир хоналарнинг жаҳон андозаларига мос энг сўнгги русмдаги жиҳозлар билан таъминланганига гувоҳ бўламиз. Актерлар учун ажратилган пардозхона, дам олиш ва ювенил хоналаридаги қулайликларни қўриб кишининг ҳаваси келади.

Соҳада эриштирилган муваффақиятларни ҳеч иккиланмасдан мустақиллик билан боғласак бўлади, - дейди театр бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Б.Омонбоев. - 2 миллиард сўмдан ортқ маблағ сарфланиб, қайта таъмирланган театримиз янги қурилгандай бўлди. Қувонарлиси, унинг очилиш маросими айни мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллик шодийнаси арафасида бўлиб ўтди. Бу бизнинг жамоа учун катта тўхфа бўлди. Чиндан-да биз санъаткорларга катта эътибор бераётган, театрининг бугунги қиёфасини белгилаб берган, унинг моддий-техник базасини мустақамлашда, санъаткорларга эмин-эркин ижод қилишлари учун кенг имконият ва барча зарур шароитларни яратиб берган муҳтарам Юртбошимизга ҳар қанча раҳмат айтсак кам. Театримизнинг янгича кўрини-

ши бизни нафақат руҳлантирди, балки зиммамизга катта масъулият юклди. Шу билан бир қаторда кучимизга-куч ғайратимизга-ғайрат қўшди. Мантиқан олиб қаралса шундай муҳташам бинода яши ижод қилмасликнинг ўзи уят. Ниятимиз, қайта таъмирланган театрининг довругини ҳам қайта тиклаш. Мен ишонаман, биз ҳали бетакрор санъат асарлари яратиб нафақат республикада, балки,

раҳбарининг биз санъаткорларга кўрсатаётган ғамхўрлигидир. Бемалол ишлаш ва ижод қилиш учун барча шароитлар яратилган театримизга келган кишининг ишонамизга ҳавас қилиши табиий. Бизнинг соҳада руҳият ва кайфият жуда муҳим ўрин тутди. Тўғриси айтсам биз ҳеч қачон айна дамдагидек хотиржам ва хурсанд бўлмаганмиз. Аминманки, энди ишимизда ҳам унум ва барака бўлади. Халқнинг дилидаги гапларни юзага чиқарадиган, унинг эътирофига сазовор бўладиган асарлар яратиш нафақат вазифамиз, балки бурчимиз ҳамдир.

Театрда истеъдодли актёрлар ҳам талай. Бугун улар устоз санъаткорлар К.Отаниёзов, Х.Болтаев, Шерозий, С.Девоннов, В.Фаёзов, О.Очилова, Қ.Бойжонов, М.Сафоев ва бошқалар ижод қилган муқаддас даргоҳда муносиб издош бўлиш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Шу ўринда, Ўзбекистон халқ артистлари Г.Раҳимов, Ш.Рамазонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Х.Ортиқов, К.Тожиев, О.Тоғонов, Ж.Нуруллаев, О.Бобононов ижодини ҳурмат билан тилга олиш мумкин. Шу сабаб улар иштирокида катта маҳорат билан яратилётган спектакллар томошабин қалбидан жой олаётгани беҳиз эмас.

Жорий йилнинг репертуаридан ўрин олган кавказликлар ҳаётини акс эттирувчи Б.Аппаевнинг "Келин ўғирлаш" комедияси, иқтидорли актёр, муаллиф, режиссёр А.Йўлдошевнинг "Афандилар" хангома томошаси, Беҳбудийнинг "Падарқуш ёки ўқимган боланинг холи" сахна кўринишлари кенг жамоатчилик томонидан илиқ қутиб олинди. Театрда таъмирлаш ишлари кетаётган даврда ҳам жамоа ўз ишини, касбига садоқатини унутмади. Қаерда ва қандай шароитда бўлмасин ишга виждонан ёндошди, тинмай изланди. Бу сайй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ театрининг 87-мавсуми истеъдодли драматург Комил Аваз қаламига мансуб "Жавлон жур-ро" номли асар билан очилди.

Шу кунларда вилоятда, хусусан театрда шоир Муҳаммадриниз Эрнотбеков ўғли Огаҳийнинг 200 йиллик тўйини муносиб қутиб олиш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Юбилей арафасида шоир ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи К.Матризаевнинг "Огаҳий" мусиқали драматаси сахналаштирилиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилиши кўзда тутилган.

Театрдаги ижодий муҳит, жамоадаги аҳилликни қўриб, ҳавас қилдик. Шу сабаб ҳам бу даргоҳда бундан кейин ҳам халқимиз кутган, замонамизга хос ва мос ўлмас асарлар яратилишига янада кўпроқ ишончимиз ортди.

Хикоямизни театр ривожига кўп ва ҳўп меҳнатлари сингган шоир, драматург Комил Аваз сўзи билан ниҳоялашани лозим топдик.

Санъат фидойиликни севади. Юқорида таъкидлаганимиздек, унга борар йўл жуда узун ва сермашаққат. Кимдир аро йўлда қолиб ҳам кетиши мумкин. Кимгадир эса манзилнинг охиригача етиб бориш — элнинг назарига тушиш насиб этади. Тақдирини санъат билан боғлаган, усиз яшолмайдиган Огаҳий театри жамоаси, ундаги маҳоратли актёрларни манзилнинг охиригача етиб боришни қатъий ният қилган актёрларга ўхшатгимиз келади. Тўғри, улар орасида алласи қачон манзилга етиб олганлари ҳам йўқ эмас.

Бу йилги мустақиллик байрами менга, қолверса жамоамизга бир олам шодлик, қувонч олиб келди, десам янглишмайман, - дейди Ўзбекистон халқ артисти Гулнора Раҳимова. - Негаки, айнан байрам арафасида биз янги театр биносиди ишимизни бошладик. Тўғриси, театримизни бугунги қиёфада қўришни анчадан бери орзу қилар эдик. Бундай эътибор ва рағбатлардан бошимиз кўкка етди. Бу ҳам бўлса мустақиллик шарофати ва давлатимиз

## ЎГИТ

Бир хунарда кимса гар комил эрур,  
Маънидан сувратни афзал билгай ул.

Кимда дил уйғоқ эмишдир, ул магар  
Кўзни юмса, кўнгли яшнаб кўз очар.

Жалолиддин РҲМИЙ

## БИЛАСИЗМИ?

Саёҳатга энг кўп маблағ сарфлаганлар дунё бўйича америкалик Деннис Тито ва Жанубий Африка Республикасининг фуқароси Марк Шаттлворт ҳисобланади. Улар космосга саёҳат қилиш учун 20 миллион доллардан ҳақ тўлашган.

Энг қиммат сигарета "Treasure" деб номланиб, унинг бир қутиси 24 евро нарҳда туради.

Энг қиммат туфли машҳур заргар Стюарт Вайцман томонидан яратилган. Мазкур туфли 642 дона ёқут билан безатилган бўлиб, таннархи 1,6 миллион евро туради.

Энг қимматбахо автомобиль ҳозирги кунда "Maybach-62" ҳисобланади. Бу автомобилнинг ўриндиқлари ётиш учун ҳам мослаштирилган. Унда DVD плееер ҳам мавжуд. Ушбу ўриндиқнинг нархи 360 минг евро туради.


Ҳамма сайёралар ичида Юпитер ўз ўқи атрофида энг тез айланиши аниқланган. Юпитер юзасидаги нуқта ер ҳисоби билан соатига 500 километр тезликда ҳаракатланар экан. Юпитерда сутка атиги ўн соатча давом этади.

## ТУРФА ОЛАМ

### Ажойиб мато-камера

Массачусет технология институти олимлари ажойиб матони яратишди.


Мутахассисларнинг фикрича, ушбу мато фотокамеранинг матрицаси бўлиб ишлай оларкан. Янги матонинг ипи мураккаб тизимга эга: ип марказидан полимер изолятор билан қопланган метал тўр — ярим ўтказгич ўтган. Мана шу тизим ёрдамида мато компьютерга тасвир жўната олади. Тўғри, бу тасвирни сифатли деб бўлмайди, бироқ шундай бўлса-да тадқиқотчилар яна бир янгилик яратишга муваффақ бўлишди.



## Яна бир топилма

Бразилиялик олимлар қачонлардир Бразилия ҳудудида яшаган тимсоҳларнинг аждодини аниқлашган.

Мутахассислар тимсоҳнинг суюқ қонлиқларини текширишганида, у тахминан 90 млн. йил аввал яшаганлиги маълум бўлган. Олимлар, Armadillosuchus arrudai деб ном берилган бу тимсоҳнинг бўйи 2 метр, вазни чамаси 120 кг. бўлган. дейишмоқда.



## Қадимги қабристон

Археологлар Еревандан 30 км. нарироқда қадимги қабристонни топишган. Олимларнинг тахминича, ушбу қабристон бронза асрга тегишли экан.

Дарвоқе, қабристон топилган кўрғон майдониди 1978 йилдаёқ аниқланган экан. Бироқ, бу майдонда кўрғонлар кўплигидан уларнинг ҳаммаси ҳам текширилмай қолган. Мутахассислар олтига кўрғондан керамика идиш, бронза найза ва олтин буюмларни топишган. Аммо, олимларни ўйлантираётган бошқа нарса, яъни, ўша даврда ниҳоятда гўзал дид ва нозиклик билан олтинни пуфлаб, ундан қандай қилиб мунчоқ ясай олишган?



## Янги DVD

Millennia номли америкалик компания миңг йиллар мобайлида ҳам маълумотларни сақлай оладиган янги технологияни ишлаб чиқди.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ушбу янги технология ёрдамида яратилган M-ARC диск оддий DVD дискдан фарқланмас экан. Фақат маълумотлар диска кўчирилаётганида Millennial Writer махсус программасидан фойдаланилади. Мутахассислар унинг илк наъмунасини сентябрь ойларида сотувага чиқаришни мўлжаллашмоқда.



Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

Ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган фидойи ва соҳоватли инсонларни - Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни билан табриқлайди. Ушбу қутлуг айёмда барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларига файзу барака тилайди.



**ТЕРМИЗ ТЕМИРЙЎЛ БЕКАТИ**  
**БИРЛАШГАН ШИФОХОНАСИ ЖАМОАСИ**

## БОЙСУН МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳолисини 1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни муносабати билан қизгин муборакбод этиб, самимий табриқларини изҳор этади. Юртимиз тинчлиги ва гуллаб-яшнаши йўлида амалга оширилаётган ишларимизда барчамизга зафар ёр бўлсин.



VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN  
**MILLIY TIKLANISH**

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ:  
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Голиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:  
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланishi мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанин г чоршанба кўни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-823, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:  
Акбар ШОДИЕВ  
Навбатчи муҳаррир:  
Исमत ХУДОЕВОВ  
Навбатчи:  
Ақобир САЙИДОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00.